

ISSN 2181-9521

№ 2-son, 2020



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ФАОЛИЯ



ЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ ТИНИ БОШЛАГАНИГА 1 ЙИЛ ТЎЛДИ



**«ODILLIK MEZONI»
илмий-амалий,
хукукий журнал**

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

ТАХРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДОРОВ

Акмал МУРОДОВ

Илҳом НАСРИЕВ

Маъруф ТАЖИБОЕВ

Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Гулчехра ГУЛЯМОВА

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вази́рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билан юридик фанлар бўйича диссерта-
циялар асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:

odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-рақам билан
қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба қайд
этилиши керак.

Босишга 10.03.2020 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ

Буюртма № 12

Адади 2950

Баҳоси келишилган нархда

«Aldin-group» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.

Босмахона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Кун мавзуси

6-бет

**Ўзбекистон тарихида илк бор
ташқил этилган Судьялар
олий мактаби фаолиятига
бир йил тўлди**

Мутахассис мулоҳазаси

12-бет

**Ўзбекистон Республикасида
мустақил суд ҳокимиятини
шакллантиришнинг асосий
босқичлари**

Ибрат

Ҳақиқий ғалаба

15-бет

Умид сўнмасин...

Интервью

16-бет

**Адвокатларда
жиноят ишини
қўрадиган судьялар
учун битта гап бор:
«Флешка вариант...»**

Менинг фикрим

20-бет

**Ажримми ёки
ажралиш..?**


Маърифат соати

22-бет

**Ахлоқ —
маънавият ўзаги**

Давр кўзгуси

24-бет



**Замонавий
оила кун
талқинида**

Судья минбари

26-бет

**Қози – фахмли,
ҳалим, афиф,
олим ва одил
бўлиши керак**



Тадқиқот, таҳлил

28-бет



**Судьяларни танлаш
ва тайинлашга оид
ҳалқаро стандартлар**

Муносабат


32-бет

**Қонун устуворлиги –
таракқиёт таянчи**



Мозийдан садо

34-бет



**«Қози илмли ва
адолатлиларни ўзига
яқин тутади»**

Янги босқич

38-бет

**Мустақил суд –
адолатнинг
амалдаги ифодаси**



Табиат, инсон ва қонун


40-бет



**Фавқулодда
экологик ҳодисалар
билан боғлиқ
муносабатларни
тартибга солиш**

Эксперт фикри

43-бет




**Ҳомиладор ва уч ёшга
тўлмаган боласи бор аёллар
билан тузилган меҳнат
шартномасини бекор қилиш
судда қандай кўрилади?!**

Судебная реформа

46-бет

**Курс Президента
Узбекистана – обеспечение
подлинной независимости
судебной власти**



Важная тема

50-бет




**Шеродовой зарубежный
опыт по созданию
специализированных
институтов по борьбе с
коррупцией**

Процесс

57-бет

**Развитие
конституционного
правосудия в
постсоветских странах**



Comparison

58-бет



**Enforcement of decisions of
foreign arbitrations in the
Republic of Uzbekistan:
theory and practice**

About the prejudicial inquiry

60-бет

**Us Experience Of
Judicial Review
Over Prejudicial
Inquiry**



International experience

62-бет



**Impressions of the
training program
in japan**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛК БОР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ФАОЛИЯТИГА БИР ЙИЛ ТЎЛДИ

Суд корпусини назарий билим ва касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг

2019 йил 6 январдаги

“Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган Судьялар олий мактабининг фаолият бошлаганига роппа-роса **1 йил** тўлди.

Мазкур давлат таълим ва илмий тадқиқот муассасаси – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг асосий вазифаларидан бири судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, раҳбарлик лавозимларига судьяларни қайта тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Ушбу таълим муассасасида учта йўналиш, яъни грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни ўқитиш;

давомийлиги

2 ой

бўлган раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш;

2 ҳафталик

курсларда судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш.

Олий мактабда таълим йўналиши бўйича ўқув-методик ҳамда ахборот-техникавий ва масофавий ўқитиш бўлимлари, касбий кўникмалар кафедраси, шунингдек, судларнинг ихтисослашувига мувофиқ равишда фуқаролик ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ кафедраларидан

иборат жами **5 та** кафедра мавжуд бўлиб, уларда

8 нафар

профессор-ўқитувчилар доимий асосда фаолият олиб бормоқда. Айти пайтда Судьялар олий мактабининг ўқитувчилар таркиби хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “судьяни судья ўқитади” тамойилига асосан амалдаги судьялар ҳамда суд тизимида ишлаган малакали кадрлар орасидан танлов асосида шакллантирилди. Хусусан, доимий асосда ишга қабул қилинган профессор-ўқитувчилар ва бошқарув ходимларидан **19 нафари** аввал судьялик лавозимида фаолият юритган, **4 нафари**

фан доктори, **9 нафари** фан номзоди ҳисобланади.

Таълим жараёнига ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўник-



малари ҳамда амалий тажрибага эга бўлган **50 нафардан** ортиқ етук мутахассислар, шу жумладан, судьялар, депутат ва сенаторлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, бошқа давлат тузилмалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳамда профессор-ўқитувчилар жалб этилган. Улардан

21 нафари амалдаги судьялар,

13 нафари фан доктори,

20 нафари фан номзодидир. Бугунги кунда Судьялар олий мактабининг таълим йўналишидаги илмий салоҳияти 90 фоизни ташкил этади.

Судьялар ва суд ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари учун ўқув режа ва дастурлар, маънавий талаблар ишлаб чиқилди. Ривожланган давлатларнинг судьялар тайёрлаш ўқув юртлири билан интернет тармоғи орқали онлайн тарзда мулоқот олиб бориш ва уларнинг электрон ўқув адабиётларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ўқув аудиториялари бунга мос равишда энг замонавий ахборот коммуникацион воситалар билан жиҳозланди. Судьялар олий мактабида Ахборот-ресурс маркази ташкил

этилган бўлиб, у **30 дан** ортиқ сўнгги русумдаги компьютер, масофадан туриб керакли маълумотларни олиш ва бошқа ахборот-ресурс марказлари сайтларига уланиш имкониятига эга бўлган замонавий техника ускуналари билан жиҳозланган. Улар Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонанинг электрон ресурс марказига

уланган ва миллий кутубхонанинг электрон фондидаги адабиётлардан бемалол фойдаланиш имконияти яратилган. Ахборот-ресурс

маркази **700 дан** ортиқ миллий ва хорижий юридик, илмий адабиётлар ҳамда бадиий адабиётлар билан таъминланди. Кутубхонада барча адабиётларнинг электрон каталоги жорий этилган. Шунингдек, тингловчилар учун миллий, хорижий ва халқаро қонун ҳужжатларининг, чет эл тажрибаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўргатиш мақсадида А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва АҚШнинг "West law" ахборот-кутубхона фонди манбаларидан узлуксиз фойдаланиш имконияти ҳам яратилган. Ушбу илмий таълим муассасасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб этиш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Зеро, китоб халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарабини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат усадати ила яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, Ахборот-ресурс марказида кутубхона ҳам ташкил этилган.

Барча ўқув аудиториялари замонавий ахборот-коммуникация технологияси билан жиҳозланди. Жумладан, ўқув хоналарига видеокузатув камераси, интеллектуал доска, интернет алоқа тизими, судлар ва хорижий мутахассислар билан онлайн уланиш имкониятини берувчи видеоконференцалоқа ускуналари ўрнатилди. Электрон таълимни ташкил этиш ва видеоконферен-



Малика ҚАЛАНДАРОВА,

Иқтисодий ҳуқуқ
кафедраси мудири:



Дастлаб алоҳида таъкидлаш жоизки, Судьялар олий мактабини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш орқали бугунги кун талабига тўла жавоб бера оладиган юксак салоҳиятли, профессионал ва етук судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашишдир.

Шундан келиб чиқиб, айти пайтда Судьялар олий мактабида инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда асослангирлан қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш усулларини таълим жараёнига жорий этиш, тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш усуллари, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Шунингдек, бу жараёнда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, суд соҳасида олий малакали илмий ишлаб чиқариш (амалий) кадрларини тайёрлаш, суд-ҳуқуқ фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, суд амалиёти ва статистикасини ўрганиш ва умумлаштириш, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари ҳам Олий мактабнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади.

Судьялар олий мактаби фаолияти бошлангидан кейин грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни ўқитиш, давомийлиги икки ой бўлган раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш, шунингдек, давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш курслари жорий этилди. Ва бу 3 йўналиш бўйича ўқув жараёни узлуксиз давом эттирилмоқда.

цияларни ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунинг натижасида эса масофавий таълим бериш тизими ҳам йўлга қўйилган.

Судьяликка номзодларда суд мажлисини олиб бориш кўникмаларини шакллантириш мақсадида “суд имитация зали” ташкил этилган бўлиб, унда энг сўнгги русумдаги замонавий техника анжомлари ўрнатилди ҳамда мунтазам амалий машғулотлар олиб бориш йўлга қўйилган.

Таълимнинг замонавий педагогик услубларини янада такомиллаштириш мақсадида

10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ва ҳорижий давлатлар таълим муассасаларининг ваколатхоналари билан илмий-амалий, ўқув-услубий, ахборот алмашинув, моддий-техник соҳаларда ҳамкорлик ришталари ўрнатилган бўлиб, Россия, Қозоғистон, Канада, АҚШ, Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Япония ва бошқа давлатларнинг судьялар тайёрлашга масъул муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилди.

2020 йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ўртасида бир қатор ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Божхона институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент давлат юридик университетлари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Келишув (англашув меморандуми) имзоланди.





Илк бор судьялик лавозимига номзодларни тайёрлашга мўлжалланган магистратура курсига Судьялар олий кенгаши ва Олий суд томонидан белгиланган квотага асосан 2019 йилнинг август ойида шаффоф ва холис танлов асосида кириш – синов имтиҳонлари ўтказилди. Хужжат топширган

184 нафар талабгорлардан **146 таси**

икки босқичли кириш синовларида иштирок этди. Биринчи босқичда ҳуқуқий мавзудаги иншодан, иккинчи босқичда Давлат тест маркази томонидан мутахассислик ва хорижий тил бўйича тест синовларидан юқори

балл тўплаган **60 нафар** талабгорлар (жиноят, маъмурий, фуқаролик, иқтисодий суд йўналишларининг ҳар бирига 15 нафардан) тингловчи сифатида магистратура таълим йўналишига танлов асосида ўқишга қабул қилинди.

2019 йил давомида Судьялар олий мактабининг малака ошириш курсларида жами

126 нафар судьялар малакаларини ошириб, (улардан 31 нафари жиноят ишлари бўйича, 35 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 30 нафари маъмурий, 30 нафари иқтисодий суд судьялари) ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар суд аппарати ходимларининг икки ҳафталик малака ошириш курсларида жами 57 нафар суд аппарати ходимлари ҳам малака ошириш курсларида таҳсил олди.

Давомийлиги икки ой бўлган раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш курсларида

15 нафар судья таҳсил олди.

Республика иқтисодий судлари судьялари учун “Иқтисодий судларда судловга

тегишлиликнинг айрим масалалари” мавзусида, Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоят иқтисодий судлар судьялари учун “Иқтисодий судларда пудрат муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни кўришнинг ўзига хос хусусиятлари” мавзусида қисқа муддатли (вебинар) курслар ташкил қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида суд амалиёти муаммолари юзасидан барча йўналишдаги судьялар, шунингдек суд аппарати ходимлари учун қисқа муддатли сайёр курслар ташкил этилди. Дарс жараёнларида ўқитишнинг интерфаол усулларида (кейс-стади, ақлий ҳужум, казуслар, вебинар ва ҳ.к.лар) фойдаланишга, шунингдек, тингловчиларнинг суд ҳужжатларини тайёрлаш, суд жараёнини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Ўқув курсларида тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш усуллари, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ривожлантириш, уларни қонун ҳужжатларига киритилган долзарб ўзгартиришлар ва қўшимчалар, миллий ва хорижий ҳуқуқларни қўллаш амалиёти ҳолати ва тенденциялари, шунингдек, норма ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажриба билан таништириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Магистратура тингловчиларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари ва билимларини янада бойитиш, уларнинг мустақил фикрлаш қobiliяти ва оғзаки нутқини ривожлантириш

Жаҳонгир РЕДЖАПОВ,

*Ўқув методик бўлими
етакчи мутахассиси:*



Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган том маънодаги демократик ўзгаришлар натижасида мамлакатимиз суд ҳокимиятида ҳам тарихий ислохотлар амалга оширилди.

Бунинг амалий натижаларидан бири сифатида мамлакатимиз тарихида биринчи бор ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабини мисол қилиб келтириш мумкин.

Судьялар олий мактабида таълим жараёни, энг аввало, судьяликка номзодлар, судьялар ва судлар аппаратлари ходимларида иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асослантирилган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш усуллари асосида ташкил этилди. Шунингдек, тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш усуллари, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ривожлантириш каби устуворликларга асосланилди.

Судьялар олий мактабининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 25.04.2019 йилдаги 378-сонли буйруғига кўра амалдаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторининг “Ҳуқуқ” таълим соҳаси таркибидаги “5240100-Юриспруденция (фаолият турлари бўйича)” таълим йўналиши негизида янги “5A240121-Суд фаолияти (фаолият турлари бўйича)” магистратура мутахассислиги киритилди ва шу асосда таълим жараёнлари ташкил қилинмоқда.

Таълим жараёнини ташкил этишга доир бир қатор локал ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

мақсадида ҳар куни **30 дақиқалик**

ахборот-маърифат вақти белгиланган. Тингловчиларнинг маънавий дунёқараши янада бойитиш мақсадида уларнинг машғулотлардан бўш пайтларида режали асосда музейлар, театрлар ва бошқа маърифий масканларга саёҳат ташкил этилиб, атоқли ёзувчилар, шоирлар, маданият ходимлари ва бошқа соҳаларнинг юксак обрў-эътиборига эга бўлган вакиллари билан ижодий учрашувлар мунтазам ташкил этиб борилмоқда. Тингловчиларнинг жисмоний фаоллигини ошириш мақсадида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни спорт тадбирлари куни сифатида белгиланиб, футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат бўйича спорт тадбирлари ўтказилиши йўлга қўйилган. Судьялар олий мактаби томонидан тажриба алмашиш, таълим жараёни сифатини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган.

Шунингдек, мунтазам илмий тадқиқотлар, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий ахборотлар алмашишни йўлга қўйиш, таълим ва илмий жараёнга хорижий мутахассисларни жалб этиш, педагогик, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкасини ташкил этиш мақсадида самарали халқаро ҳамкорлик амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Япония, Сингапур, Корея Республикаси, Канада, Туркия, Қозоғистон, Грузия, Испания ва Малайзия давлатларининг тегишли таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан доимий алоқалар ўрнатилди. АҚШ, Германия, Канада, Шотландия, Латвия, Қозоғистон, Словения ва бошқа бир қатор давлатлардан ташриф буюрган



судьялар ва экспертлар иштирокида Олий мактабда 10 дан ортиқ халқаро семинар, конференциялар, тренинг ва ўқув курслари ташкил этилди.

Хусусан, **2019 йил 27 март**

ва **7-11 октябрь** кунлари Канаданинг Судьялар миллий институти вакиллари А.Кент, Б.Куппер, судья Б.Ленокс иштирокида “Судьялар учун ўқув жараёнини шакллантириш”, “Ўқув курсларини ташкил этишни такомиллаштириш” ва “Канада суд тизими” мавзуларида ўқув машғулоти ташкил этилди. Судьялар олий мактабининг

жами **18 нафар** профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлари хорижий давлатларда судьяларни тайёрлаш ва малакасини ошириш методикасини ўрганиш бўйича махсус ўқув курсларда малака оширдилар. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Венгрия давлати ҳамда JAICA дастури асосида Японияда малака ошириш курслари ҳам ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида халқаро ҳамкорлик соҳасини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида Судьялар олий мактабида ўндан ортиқ халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ўқув муассасалари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди ва улар билан икки томонлама ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Ўрнатилган ҳамкорлик муносабатлари асосида БМТ Тараққиёт дастури кўмаги билан Олий мактабининг Ахборот-ресурс маркази ва кутубхонаси янги замонавий мебеллар ва ахборот технология ускуналари билан жиҳозланган бўлса, ЮСАИД агентлиги эса Судьялар олий мактабининг “имитация суд зали”ни замонавий компьютерлар би-



лан жиҳозлашда ўзининг амалий ёрдами аямади. Канаданинг Судьялар миллий институти, Корея Республикасининг Суд тадқиқотлари ва судьяларни ўқитиш институти, Германиянинг “Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка кўмаклашиш” GIZ дастури ҳамда Қозоғистон Республикаси Одил судлов Академияси билан ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзолаш тўғрисида икки томонлама келишувга эришилди.

Хулоса қилиб айтганда, Судьялар олий мактаби Президентимиз айтганидек, “Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик ҳукмрон бўлиши лозим”, деган шиорга асосланиб фикрлайдиган ва ишлайдиган судьялар корпусини шакллантиришга ўзининг амалий ҳиссасини қўшишга астойдил бел боғлаган.

Элдор ҚУРБОНОВ,
Ўқув методик бўлими
бош мутахассиси.





Дилшод АРИПОВ,
юримик фанлар номзоди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУСТАҚИЛ СУД ҲОКИМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Биринчи мақола

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ҳамда судларни адолат қўргонига айлантиришда мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилди. Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни амалга оширилган давридан келиб чиқиб бир неча босқичларга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич – давлатимизнинг мустақилликка эришган кунидан бошлаб ўн йиллик даврни (1991-2001 йиллар) ўз ичига олади. Айнан биринчи босқичда амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизда мустақил суд ҳокимиятини ташкил этиш, судларни ҳукумат таъсиридан халос этиш, одил судловни фақат қонунга мувофиқ амалга оширишни таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий асосларни яратиш билан тарихда из қолдирди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда ҳуқуқий ислохотларнинг асосий мақсади суднинг алоҳида ва мустақил ҳокимият тармоғи сифатида мавқеини қайта тиклашдир¹.

Шу нуқтаи назардан, 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республи-

каси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёнотида Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилиши белгиланди².

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унда суд ҳокимияти бошқа ҳокимият тармоқларидан ажратилиб, мустақиллиги кафолатланди.

Ўзбекистон кўп йиллар давомида мустабид тузум шароитида яшаб, ҳокимиятнинг бўлиниш принципи йўқлиги учун суд ҳукмрон партиянинг қонунсиз даъволарининг гарови бўлишдек салбий оқибатларнинг ҳаммасини ўз бошидан ўтказди. Амалдаги Конституциямизни совет давридаги конституцияларга фикран солиштириб кўрсак, уларнинг биронтасида “суд ҳокимияти” деган сўзни учратмаймиз. Нега? Чунки суд тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тузумининг бошқариш осон бўлган таркибига, тазйиқ, зўравонлик сиёсатини ўтказиш қуролига айлантирилган эди³.

1993 йил 6 майда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги, 1993 йил 2 сентябрда “Судлар тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонунлари, суд ишларини юритишни тартибга солувчи процессуал кодекслар қабул қилинди.



Ушбу қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши, одил судловни фақат суд амалга ошириши, судьялар мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунилари, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий принциплари белгиланди.

Шунингдек, судлар ихтисослаштирилиб, мамлакатимизда Олий суд таркибида фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ҳайъатлари, жойларда эса фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий низоларни ҳал қилувчи Олий ҳўжалик суди ташкил топди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 2003 йил 24 апрелда киритилган тузатиш ва қўшимчаларга мувофиқ Конституциянинг 107-моддасида суд тизими Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари ва ҳўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборатлиги белгиланди.

Бундан ташқари, ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш институти шакллантирилиб, кассация инстанциясида иш кўриш тартиби такомиллаштирилди, жиноят процессида ҳимоя ва айбловнинг тенглиги принциплари белгиланди.

Шунингдек, суд ҳокимиятининг мустақиллигига оид нормаларни қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш мақсадида 1993 йилнинг 2 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида", "Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида", "Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида" ҳамда "Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги низомлар тасдиқланди.

Бироқ, мазкур ҳужжатлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминламас эди. Биргина "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, судьялар корпусини шакллан-



тириш, судларнинг моддий-техника таъминоти ва уларнинг фаолияти учун зарур шароитларни яратиш ишларини ташкил этиш, судларнинг ташкилий ишларини текшириш, халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишни ташкил этиш, суд статистикасини юритиш ва суд қарорларини ижро қилиш ишини ташкил этиш, судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ваколатига эга эди. Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ эса вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар), ҳарбий, ҳўжалик судлари судьяларининг сони тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши, 79-моддасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судининг, туман (шаҳар) судининг тузилиши ва умумий сони Адлия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши, судларнинг штатлар жадвали тегишлича Олий суд раиси, Олий ҳўжалик суди раиси ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланиши, 80-моддасида эса судларни молиявий, моддий-техникавий таъминоти учун маблағнинг миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши, ажратилган маблағни тақсимлашни туман (шаҳар), вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди учун — Адлия вазирлиги, ҳарбий судлар учун — Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланиши назарда тутилган эди.

Ўрнатилган мазкур тартиблар суд ҳокимиятининг қонунчилик ва ижро ҳокимиятига ҳали ҳам тобелигини англатарди. Шунинг учун ҳам ижтимоий турмушнинг демократик



институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарурлиги, суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозимлиги, бунинг учун халқ маслаҳатчилари институтини ислоҳ қилиш, судларнинг таркибини ихтисослаштириш, Ўзбекистон Судьялари уюшмасини ташкил этиш, суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш, судларнинг ижро этувчи ҳокимият ва энг аввало жойлардаги ҳокимлар ва прокуратура органлари билан ўзаро муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқиш, адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтаришга қаратилган зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Натижада Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ва Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1996 йил 25 июлдаги ПФ-1507-сонли Фармони билан Олий хўжалик суди тизимида Тошкент шаҳар хўжалик суди ташкил этилиб, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг таркиби ва ходимларининг умумий сони тасдиқланди.

1997 йил 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1704-сонли Фармони қабул қилиниб, унда хўжалик судларининг қарорлари тегишлича

ижро этилиши учун давлат идораларининг, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида хўжалик судларининг қарорларини ижро этиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек суд қарорларини ижро этиш ҳамда суд ижрочисининг мақоми тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш вазифалари белгиланди.

1999 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-2421-сонли Фармони қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий суди негизда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги зиммасига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ва унинг таркибий бўлинмаларини зарур молиявий, моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклатилган. Ушбу фармон билан Ҳарбий судларнинг Мудофаа вазирлигига тобелиги ҳамда икки ташкилотга ҳисобдорлиги (Мудофаа вазирлиги ва Олий суд) белгиланди.

Биринчи босқичда амалга оширилган ислохотлар судлар мустақиллигини таъминлашда илк қадам бўлганлигини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ушбу даврда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига тўлиқ эришилмади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов 1999 йил 14 апрелда Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ ўн олтинчи сессиясидаги нутқида “... суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади”, деган эди⁵.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги нутқи.
2. “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 5-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда.
3. У.Мингбоев. Суд шундай ҳокимиятки... “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Т., 1999. –Б. 92.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. 1999 йил 14 апрелда 1-чақириқ Олий Мажлиснинг 16-сессиясидаги нутқи.

ҲАҚИҚИЙ ҒАЛАБА

Бу ажойиб воқеа Сизтл Ногиронлар Олимпиадасида юз берган эди. Ўшанда жисмоний ва ақлий жиҳатдан ногирон тўққиз киши 100 метрга югуриш мусобақасида қатнашиш учун старт чизигига йигилдилар. Югуришга старт берилгач, барчалари иштов билан қўзғалишди. Уларнинг ҳаммаси ғалаба иштиёқида ёнарди. Шу пайт қутилмаганда бир ёш қатнашчи қоқилиб кетиб, йиқилди ва йиглашга тушди. Унинг йигисини эшитиб, иштирокчиларнинг барчаси орқаларига қарашди. Кейин бирдан йўналишларини ўзгартириб, ортга – ўсмирнинг ёнига қайтдилар. Уни юпатиб, ўрнидан турғаздилар ва тўққиз киши бир-бирларининг қўлларидан тутганча марра томон биргаликда юра бошладилар. Стадиондаги томо-



шабинлар ўринларидан туриб, уларни охирги дақиқаларча олқишладилар.

Ўша ерда бўлганлар ҳозиргача бу ҳодисани айтиб юришади. Нега? Чунки ҳаётда муҳими ўзимизнинг ғалабамиз эмас. Асосийси секинлашиш ва йўлимизни ўзгартириш ҳисобида бўлса ҳам бошқаларнинг муваффақият қозониши учун ёрдам беришдир.

УМИД СЎНМАСИН...

Жимжит хонада тўртта шам секин-секин гаплашишарди.

– Мен мурасаман, – сўз бошлади биринчи шам. – Ҳаммага керакман, бироқ ҳеч ким менинг ёниб туришим учун ҳаракат қилмаяпти...

Шундай дея олови тезлик билан камайди, бир оздан кейин бутунлай сўнди.



– Мен ишончман, – деди иккинчиси. – Аммо кундан-кун кераксиз бўлиб бораётгандекман. Шундай бўлгач, ёниб туришимга зарурат йўқ.

Эсан енгил шабада иккинчи шамни ҳам ўчирди. Сўниш олдидан учинчи шамнинг сўзлари қуйидагича бўлди:

– Мен севгиман. Ёниб туришга кучим қолмади. Одамлар мени четга отишди, аҳамиятимни англаб етишмади. Ҳатто энг яқинларини ҳам севишни унутишди.

Шу пайт хонага бир бола кириб келди. Уч шамнинг ўчиб қолганини кўрди ва: «Нега сўниб қолдингиз, сиз доим ёниб туришингиз керак!» дея йиглай бошлади. Унга жавобан тўртинчи шамнинг ёқимли овози эшитилди:

– Қўрқма, қўз ёшларингни арт. Ўчмаган эканман, демак, бошқа шамларни яна ёқа оламиз. Мен – умидман!

“Ирфон” тақвими асосида тайёрланди.

Адвокатларда жиноят ишини кўрадиган судьялар учун битта гап бор: «ФЛЕШКА ВАРИАНТ...»

Баҳром САЛОМОВ, адвокат, юридик фанлар доктори:

— Фуқароларимиз бирор нарсадан норози бўлса, руҳий ҳолатидан келиб чиқиб уришади, қаттиқроқ гапиреди, фисқу-фасод қилади, лекин ўз ҳақ-ҳуқуқини қонуний йўл билан талаб қилишига унчалик жазм қилишмайди. Чунки, бизнинг менталитетимиз, фикрлашимиз, онгимиз бунга йўл қўймайди. Баъзи бир давлатларда, хусусан, АҚШда мансабдор шахслар халқдан чўчишади. Сабаби, уларда папарация мавжуд бўлиб, улар судья, сенатор ёки бошқа бирор давлат хизматчисининг бегона аёл билан гаплашаётганини ёки одоб-ахлоқ нормаларига зид бошқа ҳаракатини газета, телевидение ёки интернет сайтларига юбориб айюҳаннос солса, у судьяликдан, губернаторликдан ҳам кетиши ёки сайланмай қолиши мумкин.

Судьянинг мустақиллиги, деган жумла хафа бўлмангу бугун жуда сийқаси чиқиб кетди. Энди **ҳақиқий мустақиллик, чинакам мустақиллик** деган иборалар қўлланилмас. Нима учун, деган савол туғилади, чунки, ўша мустақилликка шубҳа борлиги учун. Адвокатларда жиноят ишини кўрадиган судьялар учун битта гап бор: «Флешка вариант». Аксарият судьялар бошини қотириб, мушоҳада қилишни хоҳламасдан, флешкада келган тайёр айбловни олиб, у ёқ буёғини тўғрилаб, суд ҳукмида айблов ҳулосасини кўчириб қўя қолишади. Тайёр айбловни олиб қўйиш маъқулроқ бўлса керак ёки раҳбариятнинг кўрсатмасини кутишга одатланиб қолганлар. Зиммасига масъулиятни олиб, суд муҳокамасида аниқланган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда айби исботланмаган шахсга оқлов ҳукми чиқаришга, афсуски, айрим судьяларимиз ўзларида журъат топа олмайди... Бундан кейин етишиб чиқади янги ёш судьяларнинг масъулиятсизлик, журъатсизлик, кўрқоқлик иллатларидан ҳоли бўлиб, қонунларга оғишмай амал қилган ҳолда адолатли қарор қабул қиладиган,

халқнинг дардини енгиллаштирадиган судья бўлишига умид қиламан.

Суд жараёнида ҳимоя тарафининг процессуал имкониятлари

Адвокатларга қонун билан кенг ваколатлар берилган. Бунда, албатта, жиноят, фуқаролик ва бошқа процессуал ваколатлар назарда тутилади. Адвокатларга яна қандай ваколат бериш мумкин? Балки адвокатларга айрим туркумдаги ишлар бўйича экспертиза тайинлаш, воқеа жойини кўздан кечириш ва уни хусусий тартибда расмийлаштириш ҳамда далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашё ва предметларни ихтиёрий олиш (ЎзР ЖПК 87-моддасида белгилаб қўйилганидек, гувоҳлардан уларнинг розилиги билан тушунтириш олиш сингари) каби ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш лозимдир. Мамлакатимизда Адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи иккита қонун мавжуд. Шу ўринда, алоҳида таъкидлаш жоизки, кўп давлатларда Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида алоҳида қонун мавжуд эмас. Президентимизнинг 2018 йил 12 майдаги «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга мувофиқ Адвокатлар палатасининг раисига Парламентда иштирок этиш ёки суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун лойиҳаларига ўзгар-



тириш киритилишида биргаликда келишишгача бўлган ваколатлар берилди. Бундай ваколат камдан-кам давлатларда бор. Гап қонунларнинг кучга киритилишида эмас, балки уни амалга оширишда кетяпти. Президентимиз қабул қилаётган фармон ва қарорлар жуда ўринли, ҳатто уларни ҳаммасини ўқиб, мағзини чақишга баъзида одам улгуролмайди ҳам. Муаммо шуки, уни амалда бажариш қийин бўлмоқда. Ўша эски кадрлар, эскича дунёқараш, қуйидаги бўғинларни қимирлатиш қийин бўляптими ёки бошқа жойларга етиб бормаяптими, баъзи бир кучлар қаршилик қиляптими? Билмадим...

Тарафлар тенг-тенг деймиз, бир томондан формал тенг, у ҳам бўлса суд босқичида. Уни салмоғи, ишга баҳо бериш, қайси томонга кўпроқ ён босиш ва келажакда қай бирининг кўпроқ таъсири бўлиши нуқтаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, ундай эмас, буни ҳамма билади. Аслида суд жараёнида судья футбол ўйинида ҳакамлик қилаётган арбитр вазифасини бажариши керак, яъни рақиблар бир-бирига қанча гол уради, ўйин қондасини бузмаяптими, деб ўз назоратига олиши лозим. Албатта кўпроқ гол урган жамоа голиб бўлиши шарт. Буни жиноят процессига қиёслайдиган бўлсак, суд прокурор ва ҳимоя томонидан тақдим этилаётган далилларни мақбул ёки номақбул, деб топиб, ЖПК талаблари ва соҳага оид халқаро нормалардан келиб чиқиб, қарор қабул қилиши лозим.

Жиноят процессида тарафлар тортишуви тамойилини янада кенгайтириш мақсадида таклифим қуйидагилардан иборат:

қонунчиликда тергов судьяси институтини жорий қилиш ва дастлабки тергов устидан суд назоратининг ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Қуйидагилар тергов судьясининг жараёндаги вазифаси бўлиши лозим:

а) ҳимоячи ва давлат айбловчиси иштирокида ишни дастлабки муҳокама қилиш;

б) процессда тарафлар бўлган ҳимоячи ва давлат айбловчиси томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларни уларнинг иштирокида текшириб баҳо бериш;

в) тарафлар томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларни далил ёки номақбул далил, деб эътироф этиш масаласини ҳал этиш;

г) суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қабул қилган қарорлари юзасидан манфаатдор шахсларнинг шикоят ва аризаларини биргаликда кўриб чиқиш.

Бу амалиёт Европа давлатларида, хусусан, Францияда бор. Масалан, жиноятчи шахс деразадан ошиб тушаётганда, уни мана бу гувоҳ кўрган экан, деб терговчи прокурорга олиб боради. Қарши тараф эса, мана доктордан маълумотнома олдим. Гувоҳнинг кўзи яхши кўрмас экан.

Ўша куни симёғочда чироқ йўқ экан, расмга тушириб келдим, бундан ташқари Самарқандга кетган экан, мана чиптаси. Бу аслида йўқ гувоҳ, уни терговчининг ўзи ёзиб қўйибди, дейди. Сохта гувоҳ қақирилиб, сўралса, девордан сакраб ўтган сариқ кийимли одамни кўрдингми, деб сўрайди. Мен шунга ўхшаган одам бўлса керак, деб ўйладим-да, қўл қўйиб бердим, — дейди. Одамларимизнинг ҳуқуқий онги у даражада юқори эмаску, тўғри тушунингда, терговчи ўзига керакли жойни ўқиб беради, гувоҳ сифатида жалб қилинган шахс охиригача ўқиб ҳам кўрмасдан гўёки тўғри, деб қўл кўяди. Ушбу ҳужжат судга тўғридан-тўғри далил сифатида кетаверади. Гувоҳдан қандай мазмунда кўрсатма олиш, уни қайси томонга буриш кенг ваколатга эга профессионал терговчининг қўлидаку. Айблаш фикри ҳам худди шу тарзда тузилади. Юқорида баён этилган таклифлар қонунчиликка киритилса, ҳарқалай **“бу мақбул далил, бу номақбул далил”**, деб иш бошланишидан оврагарчиликнинг олди олинадиган, айблаш фикри бехудага тузилмайди ва судга фақат мақбул далилларгина боради.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга оширган ёки тергов қилмаган бўлса-да, айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокуратура органи вакилининг судга давлат айбловини қўллаши ҳолислик тамойилига зид бўлиб, суд жараёнида тарафлар тенглиги ва тортишув принципларини амалда таъминланишига хизмат қилмайди.

Давлат айбловини қўллаётган прокурор ўзи тергов қилган ёки айблов ҳулосасини тасдиқлаган жиноят иши якунидан манфаатдор бўлганлиги боис гарчи суд жараёнида дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишда процессуал қонунчилик талаблари бузилганлиги ёки айбланувчининг айби тасдиқланманганлиги аниқланган тақдирда ҳам жиноят иши бўйича айблов ҳукми чиқарилишига ҳаракат қилади. Бу ҳам аччиқ ҳақиқат. Суд жараёнида прокурорга айбловдан воз кечиш ваколати берилган, лекин мен матбуотда охир-



ги беш йил ичида прокурор мана шу ваколатидан неча марта фойдаланганлиги тўғрисидаги маълумотни учратмадим. Айрим моддалардан эмас, умуман айбловдан воз кечилишини назарда тутяпман. Гумондорни 10 та модда билан “букет” қилиб айблаб, кейин суд мажлисида прокурор икки-учтасидан воз кечиши мумкин. Лекин ҳақиқатдан иккита-учта модда билан айбланган бўлса, бутунлай реабилитация қилишни талаб қилган прокурор тўғрисида маълумот йўқлиги ҳақида гапиряпман.

Прокуратуранинг жиноят ишларини тергов қилиш ва жиноят иши якунлари бўйича тузилдиган барча айблов хулосаларини тасдиқлаш ваколатини бекор қилиш ва ушбу ваколатни келажакда тузилиши лозим бўлган мустақил фаолият кўрсатувчи тергов департаменти ёки комитетига бериш лозим. Судланувчига нисбатан жазо тури ва муддатини белгилаш фақат суднинг ваколатига тегишли бўлиб, прокурорнинг жазо тури ва муддатини белгилашни суддан сўраши ишни кўраётган суднинг мустақиллиги ҳамда тарафларнинг процессуал тенглиги тамойилларига мос келмайди.

Бу масала бўйича жиноят иши юзасидан тарафларнинг музокарасида прокурорнинг судланувчига нисбатан жазо тури ва муддати тайинлишини суддан сўраш ваколатини бекор қилинишини таклиф сифатида билдираман.

Амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига кўра, жиноят иши бўйича суднинг ҳукмига нисбатан прокурор назорат тартибида протест келтиришга, ҳимоячи эса назорат тартибида протест келтиришни сўраб илтимоснома беришга ҳақли. Прокурорнинг назорат тартибидаги протести ваколатли судлар томонидан кўриб чиқилиши шарт бўлган ҳолатда ҳимоячининг илтимосномасининг кўриб чиқилиши мажбурий эмас.

Ушбу вазиятга менинг фикрим шундай:
процессда тарафларнинг процессуал ваколати тенглигини амалда таъминлаш учун прокурорнинг назорат тартибида протест келтириш ваколати ҳам бекор қилиниши, тараф сифати-


да қатнашаётган прокурор ҳимоячи сингари тегишли ваколатли судга протест келтиришни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилиши керак. Иш бўйича протест фақат ваколатли судларнинг мансабдор шахслари томонидан киритилиши лозим.

Жиноят иши бўйича давлат ҳисобидан ҳимоячини таклиф этиш механизмидаги инсон омили ҳақида

Жиноят судлов амалиётида айрим ҳолатларда суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг илк босқичида шартнома асосида ишга жалб қилинган ҳимоячи ишга қўйилмасдан давлат ҳисобидан жалб қилинган ҳимоячи иштирокида дастлабки суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилади. Менинг бошимдан бу жараён жуда кўп ўтган, айниқса, Давлат хавфсизлик хизматига борганимизда ташқаридаги қутига ташлаб кетаверинг, ўзимиз телефон қиламиз, деб ордерни олишдан бош тортган ҳолатлари кўп бўлган. Аслида эса ўша пайтда ўзлари томонидан таклиф қилинган адвокатлар иштирокида тергов ҳаракатлари олиб борилган. Айбланувчи сифатида ушлаб турилган шахснинг яқинлари томонидан шартнома асосида ёлланган адвокат эса гарчи қўлида ордер бўлса-да, икчарига киритилмаган. Расман олиб қаралганда ҳимоя ҳуқуқи бузилмаган, иш бир текисда кетяпти, ҳимоячи иштирокида тергов қилиняпти.

Бундай ҳолатларда ҳимоячининг иштироки амалда таъминланган бўлса-да, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қариндошлари томонидан шартнома асосида жалб қилинган адвокатни ишга қўйилмаганлиги ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши сифатида қаралиши ва ушбу даврда тўпланган далиллар номақбул далиллар, деб топилиши лозимлиги ҳақидаги ҳуқуқий норма «Жиноят процессуал қонунчилиги»га киритилиши лозим.

Молия вазирлигининг текшируви шуни кўрсатадики, 2018 йил мобайнида тергов органлари томонидан давлат ҳисобидан жалб қилинган адвокатлар учун тўловларга жуда катта маблағ ажратилган. Терговчининг давлат ҳисобидан ҳимоячи жалб этиш қарорида айбланувчиларнинг тўловга қобилиятсизлиги асос қилиб кўрсатилган. Лекин ўрганиш жараёнида ҳимоячи учун тўловдан озод этилган айбланувчиларнинг бир қисmini мансабдор шахслар, катта бизнесменлар ва ўзига тўқ бўлган шахслар ташкил қилганлиги аниқланган. Яъни, суриштирувчи ёки терговчи ўзига зарур, қулай бўлган ҳолатларда навбатчи адвокатлардан фойдаланиб, уларнинг харажатларини давлат ҳисобидан амалга оширган. Ана шу аянчли амалиётдан воз кечиш мақсадида инсон омилидан воз кечадиган ҳамда ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган механизмларни



яратиш бўйича Адвокатлар палатаси томонидан айрим давлатларнинг бу борадаги тажрибаси ўрганилди. Баъзи давлатлардаги тартибга кўра терговчи, судья ёки прокурор Адвокатлар палатасига адвокат кераклиги ҳақида хабар берар экан. У ёқда кеча-кундуз ишлайдиган ходим бир тугмани босса, шаҳарда нечта адвокат бўлса унга тасодифий тушар экан. Бу жараён лоторея каби бўларкан. Кейин адвокатга сиз фалон жойга, фалон иш бўйича терговчи ёки судьяга учрашинг, деб айтилар экан. Адвокат боролмаса, зудлик билан сабабини айтиб воз кечади ва навбатчи иккинчи марта бошқа адвокатни танлар экан. Ана шунда инсон омили йўқ бўлади. Айрим хорижий давлатларнинг бу борадаги илғор иш услубини бизда ҳам жорий этиш бўйича ҳозирда Адвокатлар палатаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб бормоқда.

Амалдаги жиноят судлов қонунчилигига биноан жиноят иши бўйича айбланаётган шахс ўз айбига иқдор бўлган тақдирда ҳам тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси тўлиқ ўтказилади ҳамда айбланувчининг айбига иқдорлигини тасдиқлаш мақсадида дастлабки тергов ва судда гувоҳлар чақирилади. Шунингдек, тааллуқли бўлса ёки бўлмаса-да иш материалларига қўшимча ҳужжатлар тикилади. Тергов ва суд жараёнининг узоқ давом этиши кўплаб қоғозбозлик, вақтни беҳуда сарфлаш ва гувоҳ сифатида чақириладиган шахсларнинг оворагарчилиги, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг асоссиз сарфланишига сабаб бўлади.

Мазкур ҳолатнинг олдини олишда таклифим шундан иборатки, жиноят ишида гумон қилинаётган шахс айбига иқдор бўлган тақдирда, унга нисбатан айрим туркумдаги жиноят ишлари бўйича айбига иқдорлик битими тўғрисидаги янги институт қонунчиликка киритилиши лозим. Масалан, шахс бир нечта жиноятни содир этишда гумон қилинаётган бўлса ва айбловни барчасига эмас бир ёки бир нечасига иқдорлигини билдирган тақдирда тўлиқ тергов ҳаракатлари олиб борилмасдан ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш ва суд бу ишни тарафлар иштирокида соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиб, гувоҳларни, экспертларни судга жалб этмасдан, ортиқча ҳужжатларни тафтиш қилмасдан фақат айбига иқдор бўлган шахсга айблов юзасидан жазо тайинлаши лозим. Иқдорлик билдириш деганда, албатта, фақат айбланувчи ёки судланувчининг кўрсатувига етарли, деб ҳисобланмаслиги ва у далиллар мажмуаси билан тасдиқланиши шарт. Бундай ҳолатда давлат айбловини қўллаётган прокурор ушбу шахсга нисбатан гумон қилинаётган бошқа жиноятлари учун қўйилиши лозим бўлган айбловдан воз кечиши керак. Жиноят деб ҳисобланаётган бешта иш бўлса, 2-3 та исбот-



лангани судга чиқариб юборилаверади. Прокурор, адвокат, судья келишдими бўлди. Қолган иккита модда бўйича прокурор ҳеч қандай айблов эълон қила олмайди, иш шу жойда ёпилади. АҚШ тажрибасини ўрганганимизда мазкур жиноят ишлари жуда катта фоизни ташкил этади ва фош этилмаган жиноят ҳисобланиб, жабрланувчига етказилган зарар давлат бюджетига ҳисобидан тўланар экан.

Ҳафтада икки марта апелляция, кассация суди бўлади. Бу судлар бундан ташқари 50-60 томлик оғир ва ўта оғир ишларни биринчи инстанцияда ҳам кўради. Ўша кунни ёки эртаси кунни кўриб бўлиб тўхтатишади кейин эса апелляция ишини кўришни бошлайди ва ундан олдинги суд бир ёки уч ойлаб ўрганган ишни 15 дақиқада кўриб, нуқта қўйишади. Тўғри, бу ишни кўриб чиқишга тайёрлаш учун маърузачи ажратилади. Лекин маърузачининг оғзаки хулосаси ёки иш якуни қандай тугаши лозимлиги ҳақидаги раҳбар тушунтируви, иккинчи суд босқичида тарафлар тортишуви тамоийли асосида иш материалларига холис баҳо берилишини таъминламайди. Шу тарзда бир кунда 20-30 тагача иш кўрилиши мумкин.

Қозоғистонда ўта оғир ишлар бўйича алоҳида судьялар бор экан. Улар апелляция, кассация ишларини кўрмас экан. Таклифим шуки, апелляция ва кассация ишларини кўрадиган алоҳида судлар бўлсин. Ушбу судлар фақат шу тоифадаги ишларни керак бўлса ҳар кунни кўрсин, адвокат, прокурор қатнашсин. Оғир ва ўта оғир ишларни кўрадиган алоҳида судьялар гуруҳини ташкил этиш лозим. Албатта, бу давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилишини талаб этади. Лекин уни амалда қўлласак, кассация ва апелляция тартибидаги ишлар бўйича адолатли, қонуний қарорлар қабул қилинишга эришамиз. Суд ишларининг сифати ва самарадорлиги янада ошади. Энг асосийси, суд қарорлари устидан қилинаётган шикоятлар камаяди.

Шаҳбоз САИДОВ ёзиб олди.



Зокир ИСМАТУЛЛАЕВ,
хукуқшунос, суд тизими
фахрийси.

АЖРИММИ ЁКИ АЖРАЛИШ..?

Қонун ижодкорлигида қонунчилик техникасининг қоида, усули ва воситаси қаторида қонунчилик тили ҳам ўзига хос хусусиятлари билан муҳим ўрин тутади. Ҳар бир қонун нормасини ишлаб чиқишда унинг номи ва мазмунини бўйича қўлланиладиган атамаларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш лозим. Мазкур ҳолатда озгина эътиборсизлик қилиш маълум бир жараёнга изоҳ беришда қонун нормаси мазмунига мос келмайдиган сўзларнинг киритилиб қолишига олиб келади.

Кейинги пайтларда бир қанча оммавий ахборот воситаларида никоҳдан ажратиш масаласида сўз юритилганда, суд томонидан никоҳдан ажратиш жараёни “Ажрим қилиш” деган сўзлар билан ифодаланмоқда. Дейлик, кейинги вақтларда ёш оилалар ўртасида “ажрим”лар сонининг кўпайгани кузатилмоқда. Бироқ, жараённинг бундай аталиши Оила кодексининг 41-моддаси мазмунига мос келмайди. Чунки, кодекснинг мазкур моддасида “агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади”, – деб кўрсатилган. Кодекснинг бирор бир жойида суд никоҳни бекор қилиш тўғрисида “Ажрим” чиқаради, деб кўрсатилмаган. Унда “ажрим қилиш” деган атама қаердан пайдо бўлди, деган ўринли савол туғилади?

Агар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га мурожаат қиладиган бўлсак, унда бир ҳолатда “ажрим” – икки ўртадаги битим, келишув деб, иккинчи ҳолатда эса “кўрилаётган иш бўйича суд қарори, ҳукми деб кўрсатилган. Лекин қонунда ҳар бир суд ҳужжати ўзининг номи ва қўлланиш жойига эга бўлиб, узил-кесил қарор қабул қилишда суд томонидан жиноят ишлари бўйича ҳукм, фуқаролик ишлари бўйича ҳал қилув қарори чиқарилади. Қатъий айтиш мумкинки, қонунда ажрим чиқариш йўли билан никоҳдан ажратиш мумкинлиги кўрсатилмаган.

Шу маънода “ажрим” сўзини никоҳдан ажратиш маъносида ишлатилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, қонуннинг ўзида “никоҳдан ажратиш”нинг ўз номи бор. Шундай экан, оилалар ўртасида “ажрим”лар эмас, балки “ажралишлар” кўпайиб ёки камайиб бормоқда деган ибора ишлатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Умуман олганда, аслида никоҳ аёл ва эркакнинг бир оилага бирлашиш мақсадида тузилган иттифоқи бўлиб, никоҳ қайд этилган пайтдан бошлаб ҳар икки тараф ўртасида маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади. Тарафлар никоҳдан ажралган тақдирда ҳам уларнинг болалар тарбияси ва таъминоти бўйича масъуллиги сақланиб қолади.

Шу маънода ушбу ҳолатни чуқурроқ мулоҳаза қиладиган бўлсак, эр-хотиннинг никоҳдан ажратилганлик факти, уларни юридик жиҳатдан расман ажрашиб кетганликларини англатса-да, шундан кейин ҳам улар ўртасидаги муносабатларнинг маълум қисми сақланиб қолганлиги айтиш масалада баъзи бир мулоҳазалар юритишга ундайди.



Оила кодексининг 44-моддаси мазмунига кўра никоҳдан суд тартибида ажратилганда суд вояга етмаган болалар келгусида ким билан яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартибини белгилаши мумкин. Демак, тарафлар расман никоҳдан ажратилганда ҳам болалар тарбияси, уларнинг таъминоти ҳамда ёрдамга муҳтож собиқ эр-хотиннинг таъминоти масалалари бўйича ўзаро муносабатлар ва ота-она мажбуриятлари сақланиб қолаверади.

Бундан ташқари, собиқ эр ёки хотин, ҳатто болалари вояга етганида ҳам уларнинг тақдирига бефарқ бўлмайдилар, уларни уйлантириш ёки турмушга бериш масалаларини ҳал этишда аксарият ҳолларда ҳамжиҳатлик билан иш тутадилар. Баъзи ҳолларда никоҳдан ажрашишгандан кейин ҳам собиқ эр-хотин яна ярашиб, оилавий муносабатларни (норасмий ҳолатда) давом эттираётганлар ҳам учраб туради. Демак, бундан хулоса қиладиган бўлсак, эр-хотин бутунлай ажрашиб кетмаган, фақат улар ўртасидаги никоҳ расман бекор қилинган ёки тугатилган деган фикр келиб чиқади.

Айнан шу ҳолатнинг мавжудлиги 1996 йилда қабул қилиниб, ҳозирда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритишни тақозо этади. Яъни, мазкур кодекснинг 41-моддасидаги “уларни никоҳдан ажратади”, деган жумлани “улар ўртасидаги никоҳни бекор қилади”, деган мазмунда баён қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Кодекснинг бошқа моддаларига ҳам шу маънодаги баъзи ўзгартишлар киритиш керак бўлади.

Бу борада илмий-юридик адабиётларга мурожаат қиладиган бўлсак, уларда “никоҳ – аёл ва эркекнинг ихтиёрий розилиги асосида бир оилага бирлашиш бўйича тузилган иттифок” деб кўрсатилган. Агар биз “иттифок” сўзининг мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, “иттифок”дан ажралиш учун тарафлар бутун бир иттифокнинг бир қисми бўлиши ва ундан ажралиб чиқиши лозим. Агар бу “иттифок” фақат икки тарафнинг “иттифоқи” бўлса, унда бундай “иттифок”дан ҳеч ким ажратилмайди, балки бу “иттифок” ўз-ўзидан бекор бўлади ёки тугатилади.

Шу боис эр-хотиннинг иттифоқи фақат икки тараф томонидан тузилган иттифок бўлгани учун ҳам ушбу ҳолатга мантиқан баҳо берган ҳолда қонунда “тарафлар ўртасидаги никоҳни бекор қилиш” жумласини қўллаш қонун нормасининг мазмун-моҳия-



тига тўғри келади. Табиийки, бундай тушунча тарафларнинг никоҳи суд томонидан бекор қилинганлигини англатади.

Масалага бошқа тарафдан ёндашадиган бўлсак, Оила кодексининг русча матнида “брак расторгается” деган жумла қўлланган. Суднинг ҳал қилув қарорларида эса “брак расторгнуть” жумласи қўлланилади. Худди шундай жумлаларни кўшни давлатлар – Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларнинг Оила қонунчилигида ҳам учратишимиз мумкин. Агар шу сўзнинг луғавий мазмунига эътибор берсак, “расторжение” сўзи – “бекор қилиш”, “бузиш”, “тўхтатиб қўйиш” каби маъноларни англатади (“Русча-ўзбекча луғат”, 2-том, 337-бет). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (1-том, 29-бет) ҳам “ажралмоқ” сўзининг маъноси “ўз никоҳ аҳдини бекор қилмоқ” эканлиги баён қилинган.

Бундан ташқари, 2020 йил 6 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасининг 21-қисмида шу қонуннинг иловаси бўлган “Давлат божи ставкалари”нинг 1-банди, “в”, “г” кичик бандлари ва 5-банди “б” кичик бандларида “никоҳни бекор қилиш” жумлалари ишлатилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, ушбу қонунни қабул қилишда иборалар тўғри талқин этилган бўлиб, масалага бундай теран ёндашув келгусида қонунларга тегишли аниқликлар киритилишида ҳам катта аҳамият касб этади.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз таъкидлаганидек, давр талабига жавоб берадиган қонун нормаларини яратиш шу куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.



Садриддин ГУЗАРОВ,
Ўзбекистон Судьялари
ассоциацияси
бош консультанти.

АХЛОҚ — МАЪНАВИЯТ ЎЗАГИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек жамиятидаги одатдаги турмуш тарзининг муҳим жиҳатлари хусусида атрофлича фикр юритилади. Мақолада баён қилинган баъзи урф-одатлар ўзига хос юксак хусусиятга эга эканлиги билан ўзбек халқининг асрий одоб-ахлоқ қоидалари тизимининг мавжудлигидан далолат беради.

Калит сўзлар: одоб, ахлоқ, урф-одат, тарбия, миллий маънавият, инсон хулқи, насиҳат, миллий руҳ, инсоний фазилят.

Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган халқимизнинг ўзига хос миллий маданияти, адабиёт ва санъати мавжуд бўлиб, у инсонларни эзгулик, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, иймон-эътиқодга ўргатиб келган. Бунинг замирида анъанавий урф-одатларимиз, расм-русумларимиз ва қадриятларимизга асосланган миллий руҳиятимиз, шунингдек, маънавият ва қадр-қиммат каби улуг инсоний фазилятлар ётади. Таъриф берилган фазилятларга эга бўлган шахсларга халқимиз томонидан одобли, инсофли, диёнатли ёки хулқ-атвори яхши инсон деб қаралган. Шарқ халқларининг Жалолиддин Румий, Саъди Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий каби улуг алломалари қаламига мансуб нодир асарларда инсон

хулқи, одоби ва ахлоқи ҳақида гўзал панду насиҳат намуналари келтирилганки, улар бугунги кунда ҳам ўз жозибаси ва тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган. Нафақат мутафаккир алломалар балки, таълим-тарбиянинг негизига ўлмас гоёларни сингдирган таниқли замондош педагог олимларимиз ҳам одоб-ахлоқ тарбиянинг асоси эканлигини икки қисмга бўлиб далиллаб берганлар:

биринчиси – ахлоқ кишининг табиати, муомала маданияти, хатти-ҳаракат одоби. Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги;

иккинчиси – одоб инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олувчи ҳислат. Шундай экан инсон одоби билан гўзалдир деган қараш бугунги кунга келиб барчамизнинг шууримизга сингиб кетган ва аҳамиятини заррача бўлсада йўқотмаган эътирофга сазовордир. Яна бир муҳим жиҳат – одоб сўзининг маъноси ниҳоятда кенг ва бепоён эканлиги эзгу истакларимизни намоён қилади. Киши қанча ёшга кирмасин, то ҳаётдан кўз юмгунга қадар тарбия ва одоб-ахлоққа эҳтиёж сезади. Билимли, илмли инсон бўлиши мумкин, аммо, унинг одоб-ахлоқи талаб даражасида бўлмас экан, атрофидагилар томонидан унга нисбатан салбий фикрлар билдирилишига сабаб бўлади. Одоб-ахлоқ эгаси бўлган инсон эса энг аввало, ўзининг юриш-туриши, муомала маданияти билан





ҳаёт кечиришда, оила барқарорлигида намуна бўлишга интилади. Мазкур фикр ўз вақтида ўрта асрларда яшаб ижод қилган буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний томонидан ҳам ниҳоятда чиройли далиллар билан таърифланган эди.

Ўрта Осиё минтақасида ахлоқ, одоб, оила ҳақидаги қарашларнинг шаклланишида халқнинг ўлмас маданияти намуна бўлиб хизмат қилади. Айтилган сўзларнинг уddасидан чиқишга интилиш, мардлик, кечиримлилик, ботирларга хос инсонийлик, олийҳимматлилик, севги ва муҳаббатга содиқлик каби чин инсоний фазилатлар ажодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган муқаддас қадриятлар сирасига киради. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда, жумладан, ўзбек халқининг ўша қабилачилик ҳаёт тарзларини акс эттирувчи эпосларда мардлик, жасурлик, камтарлик, севгига сadoқат, дўстлик ва биродарлик, тинч-тотув яшаш учун кураш инсоний қадр-қиммат, ҳалол ва пок турмуш, оилада поклик каби тушунчалар улуғланган. Биз бу улуғ ғояларни «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли» туркумидаги дostonларда, ажойиб халқ эртақларида талқин этилганлигини яхши биламиз. Ўзбек мумтоз адабиёти ҳақида гап кетганда сўз мулкининг султони Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг жаҳон маданиятида туркий тил ва адабиётини юксак чўққиларга олиб чиққанлигини эътироф этмасдан бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, у шеърийат мулкининг султонигина эмас, балки, Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек миллатининг одоб-ахлоқ ва тарбия мактабининг етук билимдони, адолатли ва тадбиркор давлат арбоби, халқпарвар ва маданият тарғиботчиси ҳам эди. Буюк алломанинг айна фикрларини акс эттирувчи «Маҳбул-кулуб» асари таълим-тарбия, одоб-ахлоқ борасидаги йи-

рик рисоласидир. Диққатингизни турмуш ва одоб-ахлоқ муаммолари билан боғлиқ бўлган дидактик асарга «Маҳбул-кулуб», яъни «Қалбларнинг севгиси» деб ном қўйилиши бежиз эмаслигига қаратмоқчиман. У ўзининг пок ва мусаффо қалби буюрган, айтишга чорланган дардини ушбу рисолада жамулжам қилган. Асарнинг биринчи қисмида «кишиларнинг аҳволи, феъл-атвори, одоб-ахлоқи ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида» қайноқ ўғитлар айтилса, иккинчи қисмида «яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида» ахлоқий маълумотлар баён қилинади. Одоб-ахлоқ ҳақида сўз юритар эканмиз, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ёшларга таълим-тарбия беришда масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилишимиз керак.

Аввало, ўзимиз ҳам касбий, ҳам инсоний фазилатларга эга бўлмаган ҳолда ёшларга намуна бўлишимиз катта аҳамият касб этади. Оммавий ахборот воситаларида, газета ва журналларда ҳозирги ёшларнинг одоб-ахлоқи хусусидаги кўрсатув ҳамда мунозарали мақолаларга кўзимиз тушади. Шу ўринда «нима учун ёшларимизнинг одоб-ахлоқи глобал муаммога айланиб бoryпти?», «ёшларимизнинг билими, солоҳиятидан кўра уларнинг одоб-ахлоқи муҳимми-кан?» деган ўринли савол туғилади. Жавоби эса оддий. Ҳа, инсоннинг одоби унинг барча сифатларидан муҳим. Одамзод одоби, хулқи билан «инсон» деган шарафга муносиб кўрилган. Унинг барча сифатлари «одоб» билан фазилатларга айланган. Баъзиларнинг наздида арзимасдек туюлган камчиликлар бартараф этилмас экан, бора-бора бу кичик айбу нуқсонлар катта ҳалокатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун биз миллий урф-одатларимизни фарзандларимизга оилада ўзимиз намуна бўлган ҳолда синдириб боришимиз керак.



Зиёда СОЛИЕВА,
юримлик фанлар номзоди

ЗАМОНАВИЙ ОИЛА КУН ТАЛҚИНИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида бобида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этишни таъминлашга қаратилган тизимли сарф-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Республика «Оила» илмий-амалий маркази негизида ташкил этишни белгилаб берди. Шунингдек, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда “Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби” фаолияти ташкил этилди. Мазкур мактаб фаолияти самараси сифатида 2019 йил якуни бўйича республиканинг вилоят, туман, шаҳарларида ҳозирги кунда

149 та инновацион мактаблар фаолият юритаётганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорига мувофиқ Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди. Дунёда интеграциялашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида ижтимоий муносабатлардаги глобал ўзгаришлар оила институти, унинг мавқеи, таркиби, тузилиши, вазифалари ва фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бугун кўплаб мамлакатларда оила аъзоларининг бузилиши натижасида ажримлар сони ортиб бораётгани, туғилиш даражаси тушиб кетаётгани, ноанъанавий никоҳ шакллари пайдо бўлаётгани, никоҳсиз туғилган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сони ортиб бораётганини кузатишимиз мумкин.

Бутун дунёда давом этаётган оилавий инқироз Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаётгани ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, бу масалада ота-оналар қатори ёшларнинг ҳам улуши кўпроқ. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий, намунали оилани шакллантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасидаги ажрим ҳолатларининг олдини олиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилаётганига қарамай, ҳануз бу соҳадаги муаммоларимиз мавжудлиги кўриниб турибди. Юртимизда оила институти ижтимоий тузилма сифатида энг олий қадрият



саналади. Оила куриш ҳар бир инсон учун маълум даражада мажбурият ҳисобланади. Аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларни маънавий юксалтириш, уларни азалий қадриятларимизга садоқат руҳида оилавий ҳаётга тайёрлаш ва уларда оилавий муқаддас муносабатларни шакллантириш зарур. Албатта, ҳар бир ёш бахтли, тўқис оила куришни орзу қилади. Ёшлар оила қураётган вақтдаги эзгу-ниятлари уларга доимо ҳамроҳ бўлсин. Лекин, айрим ҳолатларда оилавий ажримлар шахснинг психологияси, унинг келажагига салбий таъсир кўрсатади. Оилавий ажралиш нафақат эр-хотинга, балки оиланинг барча аъзолари ҳаёти ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, кейинги тўрт йил ичида республикада ажримлар динамикасида ўсиш кузатилган. Бунга ота-она ва бошқа қариндошларнинг ёш оилаларга ноўрин аралашуви, фарзандсизлик, ажрашаётганларнинг бир-бирига нисбатан бефарқлиги, ёшларнинг оилага тайёр эмаслиги, оилани тўғри ташкил этишдаги муаммолар, ёшлар ўртасида оила муқаддаслиги ҳақидаги билимларнинг камлигини сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Оила ҳуқуқи тушунчаси, пайдо бўлиши, ўзига хос хусусиятлари ислом ҳуқуқининг шаклланиши ва тарихий ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у ислом ҳуқуқининг бош йўналтирувчи соҳаси ҳамдир.

Ислом оила ҳуқуқидаги маҳр масаласи ўзига хос ижобий характерга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ислом таълимоти бўйича эркак ва аёл никоҳ шартномаси орқалигина бир оилани ташкил қилишларидан кўзланган асосий мақсад ҳар томонлама соғлом фарзанддир. Никоҳ – эркак ва аёл орасидаги табиий муносабатларнинг ижтимоий зарурий, барқарор шакли сифатида қаралади. Ислом ҳуқуқида ҳар бир эркак ва аёлнинг никоҳга кириш ва оила куришдаги тенглиги кафолатланган. Никоҳланувчи аёл билан эркакнинг ўзаро эркин розиликлари, айниқса аёлларнинг никоҳга розилиги муҳимдир. Ислом оила ҳуқуқида аёлнинг никоҳга рози бўлганлиги ва никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган мажбурият сифатида эркакнинг аёлга маҳр бериши белгиланган бўлиб, маҳрнинг миқдори, шакли, берилиш вақти келишилган бўлиши ва маҳр аёлнинг хусусий мулкига айланиши асосий қоида сифатида қайд этилган. “Маҳр – аёлнинг никоҳга розилик билдирганлиги учун унга бериладиган, эрнинг никоҳ шартнома-



сидан келиб чиқадиган муқаррар мулкый мажбурияти, ҳар икки томонни ҳам никоҳни бекор қилишдан ўзини тийиш кафолати ҳамдир.

Оила ҳуқуқида никоҳ шартномасини тадқиқ этиб, эр ва хотин никоҳланувчилар томонидан никоҳ шартномасини тузилиши шарт деб белгилаш баробарида никоҳ шартномасида маҳрнинг белгиланиши билан жамиятда оилага, хусусан, аёлга нисбатан масъулият ошиб, ҳуда-беҳудага ажралишлар сонининг камайишига ёрдам беришини назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг II бўлим, 6-боби “Эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби”нинг 30-моддаси 1-қисмида “Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилиши шарт”лиги, 30-модданинг 2-қисмида “Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради”, – деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Авваламбор айтиш мумкинки, фарзандлар оила мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Оилада улғаядиган боланинг қандай инсон бўлиб шаклланиши энг аввало ота-онага боғлиқ. Тарбия шахснинг маънавий ва ақлий қиёфасини, қолаверса, бутун тақдирини белгиловчи омил. Оиладаги маънавий муҳит, шахслараро муносабатлар, боланинг тарбиясида жуда катта роль ўйнайди.

Зеро, оила институтининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни асраб авайлашга хизмат қилади.



Равшан Рашидов

Тошкент шаҳар Иқтисодий
судининг судьяси.

ҚОЗИ – ФАҲМЛИ, ҲАЛИМ, АФИФ, ОЛИМ ВА ОДИЛ БЎЛИШИ КЕРАК



Сарвар Солиев,

Тошкент туманлараро
Иқтисодий судининг раиси.

Маълумки, суд соҳаси вакиллари инсон ҳаёти билан боғлиқ фаолиятни олиб боради. Иши судда кўрилган шахснинг кейинги тақдири кўп ҳолларда судьянинг қабул қилган қарорига боғлиқ бўлади. Масалан, бир инсоннинг ноҳақ айбланиши, қилмаган айби учун узоқ йилга озодликдан маҳрум этилишининг оқибатини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ислонда ҳам қозилик фаолиятида бир қанча шахсий сифатлар шарт этиб кўйилган. Масалан, ривоятларда келтирилишича бешта улуг хислати бор инсон қозиликка тайинланар экан. Қозиди улардан биттаси кам бўлса, битта айби бор хисобланар экан. Қози ўта фаҳмли, ҳалим, афиф, қаттиқ, олим ва кўп сўровчи бўлиши керак дейилади. Ушбу ривоятда ҳар бир қозиди бўлиши лозим бўлган бешта сифат, яъни ўта фаҳмлилик бўлиб, қозилик ишида ўткир фаҳм-фаросат лозим экани ҳеч кимга сир эмас. Ҳалим, яъни қози бу сифати ила ундан ҳукм талаб қилиб келган томонларнинг гапларини сабр ила, шошилмасдан, аччиқланмасдан эшитади, агар баъзилари унга озор берса, ҳалимлиги ила ундан ўч олишга шошилмайди. Афиф, яъни қози ифбатли бўлиши, ҳаром-хариш, шубҳали нарсалардан ўзини сақлайдиган шахс бўлиши керак. Афифлик қози учун жуда ҳам зарур, чунки қози пора, совға ва шунга ўхшаш бошқа нарсалардан ҳазар қилиши — ҳақ йўлида қаттиқ турувчи бўлиши лозим. У ўзининг бу сифати ила адолат йўлида мустаҳкам туради, ҳавои-нафсга мойил бўлмайди, ҳақдорнинг ҳақини золимдан олиб бера олади. Олим ва илмдан кўп сўровчи, яъни ўз устида тинмай изланиши ва ишлаши кераклиги таъкидлаб ўтилган экан.

Судьялик — шарафли ва ўз ўрнида ўта масъулиятли касб. Шу мақсадда судьялик лавозимига ҳар томонлама муносиб ва лаёқатли шахсларни танлаш ҳамда тайёрлаш жуда муҳим. Жойларда суд амалиётининг турличалигига барҳам бериш, ягона суд амалиётини татбиқ этиш зарур. Қонунларни нотўғри талқин қилиш иллатига чек қўйиб, ягона суд амалиётини изчил ривожлантириш шарт. Бу каби камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда Олий суднинг ролини тубдан кучайтириш, хусусан, Олий суд Пленумларида суд амалиётини бир-

хиллаштиришга ва қонун нормаларини тўғри қўллашга хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинишини таъминлаш талаб этилади. Судьянинг профессионал фаолияти нафақат бир инсоннинг, балки бутун жамиятнинг, ҳаттоки бутун бир давлатнинг яшаш тарзига таъсир ўтказади. Халқимиз ўртасида ўзининг ҳалоллиги, адолатпарварлиги, юксак инсоний фазилатлари билан катта обрў-эътибор қозонган суд фахрийларининг доно маслаҳатлари, бой тажрибаси ва ҳаётий ўғитлари ёш кадрлар учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Айниқса, ёшлар судьялик касби масъулиятини чуқур англаб етишларида фахрийларнинг ҳаёт синовида тобланган тажрибаси муҳим ўрин тутаяди.

Процессуал кодексларимизда судьялар барча далил ва ҳужжатларни текшириш орқали яқиний хулосага келишдан олдин ички ишончга асосланишлари керак, деб айтилади. Ички ишонч нима? Бу билим, савия, малака, ўзлаштирилган кўникма асосида виждон ва сезгининг адолат тарозисига солиб туриб чиқариладиган қарор, тўхтамдир. “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддасида судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар белгиланган тартибда ўқиши ва амалиётни ўташи шартлиги белгиланган. Ўқиш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига, Олий судга судья лавозимларида ишлаш учун номзоднинг назарий ва амалий тайёргарлиги тўғрисидаги хулоса тақдим этилади. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда судьялар, судьялик лавозимига номзодлар ва суд ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими сезиларли даражада такомиллаштирилди. Бугунги кунда халқаро миқёсда судьялар, судьялик лавозимига номзодлар ва суд ходимларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш борасида Ўзбекистонда

ҳам жорий этилиши мумкин бўлган бир нечта асосий тенденциялар мавжуд. Булар – танлаш ва тайинлаш босқичларида судьяларни психологик тестлардан ўтказиш, суд ҳужжатларини тузишда судьяларнинг ёзма кўникмаларини ривожлантириш ҳамда судьяларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлашдир.

Шу билан бирга, ҳуқуқий маданият даражаси фақат қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат бўлиб қолмасдан, одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи ҳамдир. Конституция ва “Судлар тўғрисида”ги Қонунга асосан судьялар одил судловни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари билан боғлиқ фуқаролик, иқтисодий, шунингдек, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни ҳам кўради. Бунда улар ана шу ишларни қонуний, адолатли ҳал этишдек масъулиятли вазифани амалга оширишади. Бу ўз навбатида, судьядан чуқур ҳуқуқий билимга эга бўлишни ва мавжуд билим ҳамда амалий кўникмани иш жараёнларида беғараз, ҳолисона ва тўғри қўллаш олишини тақозо этади.

Бугун бошқа соҳалар каби судлар фаолиятида ҳам замонавий технологияларнинг кенг қўлланилиши жорий этилмоқда. Авваламбор, судьялар мустақил таълим олиш усули орқали ўз билим ва кўникмаларини ошириб, ўз устида мунтазам ишлаб боришлари шарт. Судьянинг мустақил таълим олиши — кундалик фаолиятининг бир қисми бўлиб, бунда у билим ва кўникмаларини махсус таълим муассасаларига бормасдан, тегишли дастурлар асосида ўқимасдан, уйда ва иш фаолияти давомида ошириб бориши талаб қилинади. Мустақил таълим олиш жараёнида судья доимий равишда изланиши, амалдаги ва янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини амалиётда тўғри қўллашга оид адабиётлар ҳамда суд амалиётини мунтазам кузатиб, таҳлил қилиб бориши лозим. Бунда у йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг сабабларини ўрганиши, ўз фаолиятида уларни такрорламаслик чораларини кўриши зарур.

Судья ўзининг мустақил таълим олишини самарали ташкил этиш учун Олий суд Пленуми қарорларини, суд-ҳуқуқ соҳасига оид миллий ва хорижий юридик адабиётлар ва нашрларни ўрганиб бориши керак. Шунингдек, иш фаолияти давомида юзага келадиган мунозарали вазиятларда ҳамкасблари билан ўзаро муҳокама қилиши ва маслаҳатлар олиши мақсадга мувофиқ. Бу борада Олий суднинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган электрон кутубхона судьяларга қо-



нун ҳужжатлари, Олий суд Пленуми қарорлари, суд амалиёти материаллари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва чет эл тажрибасини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси”да, “Одил судлов” журналида Олий судда кўрилган, суд амалиёти учун муҳим бўлган суд ишлари юзасидан умумлашмалар, шарҳлар ва мисоллар бериб борилиши кенг йўлга қўйилган. Табиийки, бу судьяларга қонунларни бир хилда қўллаш, низоларни тўғри ва одилона масалани ўрганишлари учун амалий қўлланма вазифасини ўтайди. Олий суд томонидан суд амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича ва ишларни кўришда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан қатор қўлланмалар ҳам чоп этилмоқда. Ана шу манбалар судьяларга касбий кўникмаларини оширишида яқиндан ёрдам беради. Бундан ташқари, судья ўз дунёқарашини янада кенгайтириши, ҳуқуқий билимларини ошириши учун тажрибали, билимли, маънавий етук инсонлар билан мулоқотда бўлиши, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва тавсиялари асосида тегишли ҳулосалар чиқариши, шубҳасиз, унинг иш фаолияти самарадорлигини оширишда, муайян ҳолат бўйича қарор қабул қилиш борасида ички ишончини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Шу ўринда судьялар билан ўтказилаётган маънавий ва маърифат машғулотлар, кўп йиллик иш тажрибасига эга судьялар билан мулоқотлар, семинар машғулотлари муҳим аҳамият касб этади.

Судьянинг даврий матбуот материаллари билан мунтазам танишиб бориши, бир томондан, унинг дунёқарашини кенгайтирса, иккинчи томондан, оғзаки ва ёзма нутқи ривожланишига ҳисса қўшади. Улуғ аждодимиз Абу Мансур Моътиридий таъбири билан айтганда, “илм олмоқлик яхши руҳий сифат эгаларида эзгу фазилатларнинг янада равнақ топишига хизмат қилади”.



Одилжон СУЛАЙМАНОВ,
Судьялар олий мактаби
бош мутахассиси, юридик
фанлар номзоди, доцент

СУДЬЯЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАЙИНЛАШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Судьяларни танлаш ва тайинлаш ҳар қандай суд тизимининг умумий мустақиллигини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда судьяларни танлаш ва тайинлаш масаласига юқори даражада эътибор қаратиш лозим. Судьяларнинг профессионал фазилатларини баҳолаш асосида судьяларни танлаш ва тайинлашнинг адолатли йўли ва ошкоралигини таъминлаш, нафақат суд лавозимларига энг муносиб номзодларни танлашни кафолатлайди, балки сиёсий таъсир кўрсатмайдиган суд тизимининг асосини яратади. Ўз навбатида, ҳар бир фуқаронинг иши мустақил, ҳолис ва адолатли суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқини кафолатлайди. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, кенг маънода, демократик жамиятнинг негизини ташкил этади.

Судьяларни танлаш ва тайинлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор халқаро стандартлар ва концептуал моделлар мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари БМТнинг Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари, Европа кенгашининг судьялар бўйича тавсиялари: мустақиллик, самарадорлик ва жавобгарлик, ЕХХТ/ДИХБнинг Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд мустақиллиги бўйича Киев тавсиялари, (Киев тавсиялари), Европа Кенгашининг ҳуқуқ орқали демократия учун Европа комиссиясининг (Венеция комиссияси) суд тизимининг мустақиллиги тўғрисидаги ҳисоботи, шунингдек Европа судьялари маслаҳат кенгашининг 1-сонли хулосасидаги тавсиялари ва яна кўплаб бошқа тавсиялар шулар жумласидандир.

Халқаро стандартларга мувофиқ судьяларни танловчи ва тайинловчи суд органлари ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлиши лозим. Судьяларнинг мақоми тўғрисидаги Европа Хартиясининг 1.3-принципи “судьяларни танлаш, ишга қабул қилиш, тайинлаш, мартабасини ошириш ва ваколатларини тугатиш билан боғлиқ” ҳар қандай қарорни “ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил” бўлган орган томонидан қабул қилиниши кераклигини назарда тутати. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус маърузачиси судьяларни танлаш бўйича мустақил орган ташкил этилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган (27- банд).

Аъзо давлатларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат берувчи Венеция комиссияси, “сиёсий нуқтаи назардан бетараф бўлган Олий одил судлов

Кенгашини ёки ҳуқуқий тизим доирасида шунга ўхшаш Конституциявий органни – асосий демократик принципларни ҳимоя қилишга қаратилган самарали восита сифатида ташкил қилиш муҳимлигини таъкидлаган. Булар жумласига суд ҳокимиятининг эркинлиги ва мустақиллиги, суд ҳокимиятининг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли, шунингдек, суд тизимининг демократик тизимдаги роли киради. Ушбу орган давлатда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг аниқ тасдиғи ва намоён бўлиши сифатида аҳамиятли ва ҳақиқий эркинлик ва мустақилликка эга бўлиши лозим”(5-банд).

Бошқа судьялар томонидан сайланадиган судьялар бундай орган аъзоларининг асосий қисмини ташкил қилишлари лозим. Чунки, Европа Кенгаши вазирлар Қўмитасининг № (2010) 12-сонли Тавсиясида айтилишича, аъзоларнинг камида ярми судьялардан ташкил топиши керак (27-банд) [25]. Худди шунга ўхшаш низом судьяларнинг мақоми тўғрисидаги Европа хартиясида ҳам мавжуд. 1.3-принцип “Аъзоларнинг камида ярмини бошқа судьялар томонидан сайланадиган судьялар ташкил этиши керак”.

Европа Кенгаши вазирлар Қўмитасининг 2010 йил 12-сонли Тавсияси 46 ва 47-бандларида “судьяларни сайлаш ва лавозимга тайинлаш бўйича қарор қабул қилувчи орган ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилган. Шунга қарамай, агар конституция ёки қонуннинг бошқа қоидалари судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарор ҳукумат ёки қонун чиқарувчи ҳоки-

мият томонидан қабул қилишини кўзда тутадиган бўлса, асосан суд органлари вакилларида иборат мустақил ва ваколатли орган тайинловчи орган томонидан амалда рию қилиниши керак бўлган тавсия ва хулосалар бериш ваколатига эга бўлиши керак”.

Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича махсус маърузачи ўз маърузасининг 28-бандида таъкидлашича, аъзоларнинг кўпчилигини айнан судьялар ташкил этиши талаб қилинишининг мақсади шундан иборатки, “агар орган асосан сиёсий кучлар вакилларида иборат бўлса, ушбу “мустақил органлар” фақат расмийликка ёки ҳуқуқий клонларга айланиб қолиши ва орқасида хукумат билвосита ўз таъсирини ўтказиш хавфи пайдо бўлади”.

Худди шундай тарзда, “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа Хартиясининг тушунтириш меморандуми “партиявий ва сиёсий тарафкашлик хавфидан” сақланиш учун “мустақил органнинг аъзолари бўлган судьялар бошқа судьялар томонидан сайланиши кераклигини назарда тутди, чунки ушбу органнинг зарур мустақиллиги, унинг аъзоларини ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятга тегишли бўлган сиёсий орган томонидан сайлаш ёки тайинлаш имкониятини чеклайди”.

Ўзининг “Судьяларни тайинлаш тўғрисида”ги хулосаси 48-бандида Венеция комиссияси “судьяларнинг мустақиллигини таъминлашнинг тўғри усули бу суд таркиби, ваколатлари ва мустақиллиги конституциявий кафолатлар билан ҳимоя қилиниши керак бўлган суд кенгашини яратишдир”, ҳамда 49-бандда “бундай Кенгаш судьяларни тайинлаш ва лавозимларини кўтаришда ҳамда уларга нисбатан интизомий иш юритишда ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши керак” деган фикрга келди.

Бир қатор инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органлар судьяларни тайинлаш жараёнида ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг асосий иштирок этишидан хавотирлик билдирди. Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита ва бошқа органлар судьяларни тайинлаш ва лавозимларини кўтаришни ҳамда суд тизимини бошқаришни таъминлайдиган мустақил орган тузишни тавсия этди. Шундай қилиб, Тожикистонга қарши кўзғатилган ишда Инсон ҳуқуқлари кўмитаси: “Суд ҳокимиятига мустақиллик этишмаслиги судьяларни тайинлаш ва ишдан бўшатиш жараёни, шунингдек уларнинг молиявий таъминланганлик даражасида яққол намоён бўлади”, – деб алоҳида айтиб ўтган. Инсон ҳуқуқлари кўмитаси “барча даражадаги судьяларни тайинлаш, лавозимга кўтариш ва жавобгарликка тортиш учун масъул мустақил орган”ни яратишни тавсия этган.

БМТнинг Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари “судьяларни танлашнинг ҳар қандай усули судьяларнинг ноқонуний сабабларга кўра тайинланишидан кафолатлаши керак” ва судьяларнинг юқорида лавозимга кўтарилиши “объектив



омилларга асосланган бўлиши керак”лигини кўзда тутди, судьяларни лавозимга тайинлаш “объектив омиллар, хусусан қобилият, ахлоқий фазилатлар ва тажриба асосида амалга оширилиши лозим” [20, 10, 13, 24 - принциплар; 10, 14 - бандлар]. Бир қатор халқаро ҳуқуқий манбалар судьяларни танлаш объектив ва ошкора мезонларга асосланган ҳолда белгиланиши керак деб таъкидлайди [1, принцип 4 (i); 5, 2.1-принцип; 7; 8; 10; 20, 10-принцип; 25, 44-банди] ва бундай мезонлар ҳуқуқий тайёргарликка, тажрибага ва ахлоқий хусусиятларга асосий эътибор қаратиши кераклигини ҳам алоҳида айтиб ўтадилар [1, принциплар (4) (i) - (к); 20, 10-принцип; 25, 44-45 - бандлар].

Шу муносабат билан Венеция Комиссияси “судьяларни тайинлаш ва уларнинг юқорида мансабга кўтарилиши билан боғлиқ барча қарорлар қонунда белгиланган объектив мезонлардан фойдаланган ҳолда, уларнинг хизматларига асосланган ҳолда қабул қилиниши керак” деган принципини илгари суради (27-банд). Судьяларни танлашда бирон бир асосга кўра камситишга йўл қўйилмайди. Номзоднинг тегишли мамлакат фуқароси бўлиши талаби камситиш деб ҳисобланмайди [20, 10-принцип; 25, 45-банд; 1, 4j принципи; 21, 13-принцип].

Адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқига бағишланган ФСХТХПнинг 14-моддасига берилган умумий шарҳда, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кўмитаси ушбу қоида давлатнинг “суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлаш бўйича аниқ чоралар кўриш, судьяларни ҳар қандай сиёсий аралашувдан ҳимоясини таъминлаш мажбуриятини” белгилаб қўйганлигини аниқлаб берди. Судьяларни тайинлаш, иш ҳақи тўлашнинг аниқ тартиблари ва объектив мезонларини белгиловчи конституциявий кафолатлар ёки қонунларни қабул қилиш орқали қарорлар, лавозимни сақлаш, лавозимга тайинлаш, судьялар ваколатларини тўхтатиш ва тугатиш ҳамда уларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чораларини белгилайди”. Шундай қилиб, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга (ФСХТХП) мувофиқ судьяларнинг мустақиллиги принципи судьянинг мансабини оширишни бошқаришнинг барча жihatларига нисбатан қўлланилади.

Судьяларни танлаш жараёнида қайси давлат органлари иштирок этади деган масала юрисдикция-

дан юрисдикцияга қараб фарқ қилади, аммо қайси орган судьяларни танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлишдан қатъи назар, ушбу органларнинг аъзоларини шакллантириш ва сайлашда раҳбарлик қилиши керак бўлган асосий принциплардан бири бу қарорлар қабул қилиш жараёнида улар сиёсий таъсирдан холи бўлиши кераклигидир.

Шундай қилиб, Киев тавсияларида ушбу органларга, аввало, судьяларнинг ўзларини, юридик касб ва жамиятнинг бошқа вакиллари киритишни таклиф қилади, ижро этувчи ҳокимият вакиллари эса киритмасликни, чунки бу потенциал сиёсий таъсир кўрсатишга имконият яратиши белгиланган. Ушбу органларда қарорлар қабул қилиш сиёсий таъсирдан холи эканлигини кафолатлаш нафақат ушбу органларнинг таркибига, балки ушбу органларнинг аъзолари таркиби аниқланадиган тартиб ёки усулга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Суд бошқаруви ва танлаб олиш тартиб-қоидаларига тегишли асосий принциплар Киев тавсияларининг 1, 2 ва 8-бандларида белгиланган. Киев тавсияларининг 2-бандига асосан умумий суд бошқаруви соҳасида бажарилиши керак бўлган турли функциялар суд бошқаруви доирасида ваколатларнинг бўлиниши принципини ўрнатган ҳолда битта органнинг “қўлида” жамланмаслиги керак.

Киев тавсияларининг 1-бандида суд бошқарувидан ҳеч қачон суд қарорларини қабул қилиш жараёнига босим ўтказишда фойдаланилмаслиги ва суд бошқаруви шаффоф бўлиши лозимлиги муҳим принцип сифатида белгиланган.

Судьяларни танлаш масаласи билан боғлиқ бўлган Киев тавсияларининг 8-бандида судьяларни танлаш бўйича қарор қабул қиладиган органларнинг таркиби “сиёсий қарашлар судьялик лавозимига номзодларнинг касбий маҳоратидан устун келмаслигини” кафолатлаши лозимлиги белгиланган.

Киев тавсияларининг 7-бандига мувофиқ судьялар суд кенгаши аъзоларининг ядросини ташкил қилиши керак, лекин аъзо судьялар орасида юқори ва апелляция инстанциялари судларида судьялар-

нинг устунлиги олдини олиш кераклиги белгиланган. Худди шу тавсияда юридик касбнинг бошқа вакиллари, масалан, олий таълим муассасаларининг ҳуқуқ фанлари ўқитувчилари ва адвокатура ходимлари суд кенгашига киритилиши лозим, чунки бу ошкоралик ва кенг вакилликка имконият туғдиради. Шу мақсадда, баъзи юрисдикцияларда суд кенгаши таркибига фуқаролик жамияти вакиллари киритилган.

Суд кенгаши таркибига кирмаслиги керак бўлган вакилларга келсак, Тавсияда прокурорлар (агар улар шу суд корпусининг аъзолари бўлмаса), ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари, уларнинг таркибига кирмаслиги айтиб ўтилган.

Ва ниҳоят, ушбу Тавсия умуман олганда, ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари суд кенгашининг ишига устувор таъсир кўрсатмаслиги ҳам айтиб ўтилган.

Мисол учун, Норвегияда судьяларни танлаш ва тайинлаш учун масъул бўлган махсус комиссия – судьяларни тайинлаш бўйича Судьялар кенгаши тузилган. Ушбу орган суд бошқарувининг бошқа органларидан, хусусан, давлат судларининг бошқарувидан мустақил бўлиб, нафақат профессионал юристлардан, балки ошкораликни ошириш, жамоат олдида кенгроқ назоратни амалга ошириш мақсадида ва “эски дўстлар” ҳомийлигидан сақланиш мақсадида иккита юрист бўлмаган аъзога ҳам эга.

Киев тавсияларининг 8-бандида таъкидланишича, Судьялар кенгаши аъзоларининг судьялари ҳамкасблари томонидан сайланиши керак. Бундай коллегиял сайлов механизмига мисол сифатида яқинда Грузияда жорий этилган тартибни келтириш мумкин. Қонунчилик аъзо судьялар мустақил орган мақомига эга бўлган – суд конференцияси томонидан судьяларнинг ўзлари томонидан киритилган таклифлар асосида сайланишини талаб қилади. Шу кунга қадар фақатгина Олий суднинг раиси Судьялар кенгаши аъзолигига судьяликка номзодларни таклиф қилиш ваколатига эга эди.

Ҳуқуқшунослик касби вакиллари, илмий ходимлар ва ҳатто фуқаролик жамияти вакиллари каби





суд кенгашининг бошқа аъзоларига келсак, Киев тавсияларида уларни сайлаш механизми бўйича махсус тавсиялар мавжуд эмас. Бироқ, уни яратишда қандай механизм иштирок этмасин, сиёсий қарашлар қарорлар қабул қилиш ёки судьяларни танлаш жараёнида ноўрин таъсир кўрсатмаслигини кафолатлаши лозим.

Битта юридик шахсда ҳокимиятнинг марказлашувини олдини олиш учун суд кенгаши Киев тавсияларининг 3 ва 4-бандларига мувофиқ номзодлар учун ёзма ва оғзаки имтиҳонларни ўтказиш учун алоҳида эксперт идорасини ташкил қилиши керак ёки муқобил сифатида, бу вазифа, бошқа вазифалар қаторида, мавжуд бўлган малака комиссиясига топширилиши мумкин. Бундай ҳолда, малака комиссияси номзодларни текшириш ва танлашни амалга оширадиган асосий орган бўлади, суд кенгашининг роли эса тегишли тартибларга риоя қилинишини ва фақат танланган номзодларни тайинлашдан иборат бўлиши керак. Бундан ташқари, Киев тавсияларининг 4-бандида малака комиссиясининг мустақил ишлаши ва унинг ижро этувчи ҳокимият томонидан назоратдан озод бўлиши муҳимлиги таъкидланган.

Ушбу органнинг аъзоларига келсак, Киев тавсияларининг 8-банди бу ерда ҳам қўлланилади, бу нафақат судьялардан, балки юридик касбнинг бошқа вакилларида, шу жумладан, олий ўқув yurtлари ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари ва адвокатлардан иборат бўлиши кераклигини англатади. Бундан ташқари, тавсияларда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, судьяларни танлаш бўйича қарор қабул қиладиган органларнинг таркиби “сиёсий қарашлари судьялик лавозимига номзодларнинг касбий маҳоратидан устун келмаслиги”нинг кафолатланиши лозимлиги белгиланган.

Номзодларни жалб қилиш ва сайлаш жараёни судьялик лавозимларига энг муносиб номзодларни аниқлаш ва танлашнинг умумий мақсадларига эришишда ва суд соҳасида қарорлар қабул қилишда юзага келадиган сиёсий таъсирни мини-

маллаштиришда ҳал қилувчи ва муҳим воситадир. Ушбу жараёнлар қай тарзда амалга оширилаяётгани ҳам жамоатчилик ишончи нуқтаи назаридан муҳимдир.

Судьяларни танлаш ва тайинлаш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган минимал стандартлардан келиб чиққан ҳолда, судьяларни танлаш ва тайинлаш бўйича қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин:

➔ Танлаш ва тайинлаш учун тавсия этилган номзоднинг қобилиятлари ва малакасига асосланиши лозим. Суд ҳокимиятини шакллантиришнинг миллий амалиётида номзоднинг обрўсига асосланган объектив танлов воқеяси устунлик қилади. Континентал ҳуқуқ oilаси давлатларида номзодларга қўйиладиган қонуний талаблар, одатда, фуқаролик, судьялик лавозимига номзоднинг маълумот даражаси, амалий иш стажы, соғлиги, судланганлик ҳолати ва бошқаларни ўз ичига олмайди.

➔ Судьялик лавозимига номзодларни танлаб олиш мустақил органнинг турли шаклларида, уларнинг кўпчилик аъзолари судьяларнинг ўзлари бўлган иштирокида ўтказилиши керак. Бундай органга бўлган эҳтиёж судьяларга қўйиладиган қонуний талаблар билан бир қаторда суд ҳокимияти ва унинг мустақиллиги қадриятларига асосланган ахлоқий қоидаларни ҳам ҳисобга олиш зарурати билан белгиланади.

➔ Номзодларга қўйиладиган мезонлар рўйхати суд ҳамжамиятининг қонунларида аниқ белгиланиши ва эълон қилиниши керак.

➔ Ишлаб чиқилган мезонлар кадрлар корпусини шакллантиришнинг барча босқичларида судьялик лавозимига номзодларни танлаш жараёнини белгилаши керак.

➔ Қонун даражасида суд кадрларини шакллантириш тизими, шу жумладан, судьялик лавозимига номзодларни танлашнинг тегишли тартиблари ва уларга ваколат бериш усуллари яратилиши лозим.



Гулнора Худайбердиева,
Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти
доценти, юридик фанлар номзоди.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида қонун устуворлигини таъминлаш, олиб борилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, қонунчиликни янада такомиллаштириш, жорий йилда қонунчиликни ривожлантиришда олдимизда турган вазифалар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатнома, Конституция устунлиги, қонун устуворлиги, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий маданият, қонун ҳужжатлари лойиҳалари муҳокамаси, ҳуқуқни қўллаш, қонунчиликни хатловдан ўтказиш, кодекслаштириш.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы обеспечения верховенства закона, правового обеспечения проводимых реформ, дальнейшего совершенствования и развития законодательства в этом году, предусмотренной в Послании Президента Республики Узбекистан, адресованной Олий Мажлису Республики Узбекистан в январе 2020 года.

Ключевые слова: Послание Президента Республики Узбекистан в Олий Мажлис Республики Узбекистан, верховенство Конституции, верховенство закона, правовое государство, правовая культура, обсуждение законопроектов, правоприменение, инвентаризация актов законодательства, кодификация.

ANNOTATION

This article discusses the issues of ensuring the rule of law, legal support of ongoing reforms, further improvement and development of legislation this year, provided for in the Message of the President of the Republic of Uzbekistan addressed to the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan in January 2020.

Keywords: Message from the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, the rule of law, rule of law, rule of law, rule of law, discussion of bills, enforcement, inventory of legislative acts, codification.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида қонун устуворлигини таъминлаш орқали давлат ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш ва давлат бошқаруви-ни амалга оширишнинг энг муҳим принципларидан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Қонун устуворлиги аввало, Конституциянинг устунлигини эътироф этишга бевосита боғлиқ. Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, мамлакатни дунёга танитадиган, мустақилликни таъминлаб берган давлатнинг паспорти сифатида тан олинар экан, у доим ўзлигимизни кўрсатиб турадиган олий қонундир. Бу қонун давлат ва жамият учун ҳар доим устун ҳисобланади.

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони эканлиги алоҳида таъкидланишида катта маъно бор. Ҳақиқатан ҳам, қонун устуворлиги таъминланган давлатда демократик қадриятлар қарор топади ва мустаҳкам бошқарув амалда бўлади. Қонун устуворлигини амалда таъминлашга эса бир қатор муҳим тадбирларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай қонун ҳужжати яратилишидан олдин мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари чуқур англаб олиниши, давлат ва жамият тараққиёти ривожланиши йўлида қўйилган вазифалар идрок қилиниши ва мақсадлар аниқлаб олиниши лозим.

Иккинчидан, жамиятда тартибга солинмаган ижтимоий муносабатлар аниқланиши, фуқароларнинг муаммолари ўрганилиши, муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлаётган турли қарашлар инobatга олиниши ҳамда илмий асосланиши керак. Давлат органларида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараёнларда очиқликни таъминлаш, лойиҳаларни

кенг муҳокама қилиш, уни тегишли ҳуқуқий экспертизаларини ташкил этиш муҳим омиллардан саналади.

Учинчидан, қонун ҳужжатлари фақат Конституцияда белгиланган нормалар, қоидалар, принциплар доирасида ишлаб чиқирилиши ва қабул қилиниши, имкон қадар идоровий характердаги ва ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилишни кескин камайтириш, қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини турлича талқин қилишга олиб келадиган ҳаволаки нормалар кириб қолишининг олдини олиш, тўғридан-тўғри қўлланадиган қоидаларнинг яратилиши муҳим омиллардан саналади.

Тўртинчидан, яратилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар ва мутахассисларнинг эксперт кўригидан ўтказилиши, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши лозим.

Бешинчидан, ҳар қандай давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мақомини янада ойдинлаштириш, уларнинг фақат қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилишга эришиш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, ҳар бир кишида норма ижодкорлиги қобилиятини ривожлантириш, фикрларни эркин баён қилиш муҳитини шакллантириш, ҳар қандай ғоя ва қарашларни ҳурмат қилиш, уни рағбатлантириш, илм-фан натижалари, олимларнинг илмий ҳулоса ва таклифларидан унумли фойдаланиш, қонун ҳужжатларини яратишнинг институционал тизимини йўлга қўйиш лозим.

Еттинчидан, амалдаги қонунчиликни ҳатловдан ўтказиш, умумлаштириш, кодекслаштиришга кенг йўл бериш, қонунчилик жараёнини такомиллаштириш, қонун ҳужжатларини ижро қилиш механизмларини янада ривожлантириш, қонун ҳужжатларини кенг жамоатчиликка ўз вақтида етказишда ахборот коммуникацияларини жорий қилиш, мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларини шарҳлаш ва талқин қилиш қобилияти ҳамда кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш ижобий натижа ва самара бериши мумкин.

Жамиятда Конституция устунлигига эришиш ва қонун устуворлигини таъминлашнинг энг асосий шартларидан бири бу мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятига ҳам бевосита боғлиқ. Уларнинг ҳуқуқий билим даражаси бир томондан қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг сифатига таъсир кўрсатса, иккинчи томондан қонун ҳужжатларининг ўз вақтида ва ишончли ижросини таъминлашга олиб келади.

Президентимиз томонидан сўнгги пайтларда қабул қилинган қатор фармон ва қарорларда қонун устуворлигига эришишда мансабдор



шахсларнинг бошқарув қобилиятини ривожлантириш, қўл остида ишлаётган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказмаслик, ходимларнинг ишчанлик қобилиятини ривожлантириш ва ҳар томонлама рағбатлантириш ҳақида раҳбарларнинг огоҳлантирилаётгани бежизга эмас.

Бугунги кунда “давлат органлари ва мансабдор шахслар халққа хизмат қилиши” асосий бошқарув принципига айлантирилаётган экан, қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий шартларидан яна бири - бу фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш бўлса, иккинчи томондан мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартибларини такомиллаштиришга ҳам боғлиқ. Мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини нотўғри бажариши, ваколатидан четга чиқиши, масъулиятсизлиги, бюрократияга асосланиш, қоғозбозлик, мажлисбозлик каби замондан орқада қолган бошқарув принциплари қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган жиҳатлар ҳисобланади.

Президентимизнинг Мурожаатномасида кўтарилган “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш” ғояси нафақат давлат бошқарувини тўғри ташкил этишга хизмат қилади, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, одамларда келажакка ишонч ҳиссини кучайтириш, демократик қадриятларни кенг жорий этиш, давлат ва жамият бошқарувида ҳар бир кишининг иштирокини таъминлаш, муаммолар ечимини кўрсатиб берадиган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини виждонан бажариши, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада оширишга, ҳуқуқий давлатнинг пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



**Фазлиддин
ХИДИРОВ,**
Судьялар олий
мактаби
магистранти.

«ҚОЗИ ИЛМЛИ ВА АДОЛАТЛИЛАРНИ ЎЗИГА ЯҚИН TUTАДИ»

Ўз вақтида ахлоқ тўғрисида Марказий Осиё алломалари ва давлат арбоблари ҳам кўплаб қимматли фикрлар билдирганлар. Хусусан, Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри”, Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадағу билиғ”, Кайковус “Қобуснома”, Амир Темур “Тузуқлар”, Бурҳониддин Марғинович “Ҳидоя” ва Алишер Навоий ўзининг кўплаб асарларида давлат раҳбари, вазирлар, қозилар ахлоқи ҳақида ибратли фикрларни келтирганлар.

Улуғ мутафаккир, қомусий олим, фанлар ривожига қўшган ҳиссаси учун Шарқда “Ал-Муаллим ас-соний” номига сазовор бўлган Абу Наср Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида шаҳар ҳокими оқил киши бўлиб, у табиатан ўн икки фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур деб таъкидлайди.

Биринчидан, Фозиллар шаҳри ҳокими тўрт мучаси соғ бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим, аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим, деб таъкидлаган.

Иккинчидан, бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур.

Учинчидан, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмаслиги лозим.

Тўртинчидан, у зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинамас аломатлари нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур.

Бешинчидан, у фикрни равшан тушунтира олиш мақсадида чиройли сўзлар билан ифода-лай олиши лозим.

Олтинчидан, у устозлардан таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши шарт.

Еттинчидан, таом ейишда, ичимликдан очофат эмас, ўзини тия оладиган бўлиши, ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши даркор.

Саккизинчидан, у ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши талаб этилади.

Тўққизинчидан, у ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олий ҳиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга интилиши лозимдир.

Ўнинчидан, бу дунё молларига, динор ва дирҳамларига қизиқмайдиган бўлиши зарур.

Ўн биринчидан, табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшилиқни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши керак.

Ўн иккинчидан, ўзи зарур, деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги муҳим.

Абу Наср Форобий мана шу барча хислатларнинг бир одамда жамланиши амри маҳол, зеро бундай туғма фазилатлар соҳиби бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир, деб ҳисоблаган. Мабодо, фозиллар шаҳрида шундай баркамол инсон топилмай қолса, унда юқоридаги фазилатлардан олтитаси ёки бештаси камол топган инсон ҳам ақл ва заковатда беназирлиги туфайли, фозиллар шаҳрига раҳбарлик қила олади, деб таъкидлайди.

Абу Наср Форобийнинг “Талхису навомиси Афлотун” (Афлотун қонунлар моҳияти ҳақида) номи яна бир асарида таъкидланишича, энг мушкул иш қонунни жорий қилишликдир. Қонунга шубҳа билан қараш ҳамда унинг устидан арз қилиш эса энг осон ишдир. Афлотун соҳиби қонун биринчидан, қонунларни жорий қила олиши, иккинчидан, фармон беришни билиши зарур дейди. Агар у ўзи буюрган нарсани жорий эта олмаса, агар бошқалар буйсунган нарсага ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг кўрсатмалари қонуний кучга эга бўлмайди ва унинг сўзлари қўл остидагиларга таъсир этмайди дейди. Қонунига ўзи амал қилмаган раҳбар ўзи қаҳрамон бўлмай туриб аскарларга раҳбарлик қиладиганга ўхшайди, бундайларга ҳавас қилиб бўлмайди. Соҳиби қонун оддий одамлар каби жоҳил

бўлса, у одамларга наф келтирадиган қонунни жорий этолмайди. Афлотун қонунларга риоя қилишда тарбия ва машғулотлар катта аҳамиятга эга эканлигини айтади. Ўзи қонунни менсимайдиган ва шу билан бирга қўли остидагиларни ҳам шунга ундайдиганлар ўз хатти-ҳаракатлари билан катта тартибсизликлар келтириб чиқарадилар.

Афлотун қонунларнинг мазмун-моҳиятини халққа мантиқни ўқитиш ва ўргатиш орқали тушунтиришни айтади. Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Афлотун айтадики, соҳиби қонун томонидан оғир ишлар ва машаққатли меҳнат билан боғлиқ бўлган матонат талаб қилиниши энг яхши адолатдир, чунки унинг пировардида қулайлик ва хайрли ишлар келади, бу ҳолат худди аччиқ, аммо соғлиққа яхши таъсир этувчи дори ичишга ўхшайди. Афлотун инсон табиатидаги зарурий хислатларни ва уларнинг қарама-қарши жиҳатларини фарқлаш кераклигини тушунтиради. Масалан, камтарлик — таҳсинга сазовор, аммо камтарлик ҳаддан ошиб кетса, у ҳолда ўз кучини йўқотади ва зарарли бўлиб қолади. Одамлар ҳақида яхши фикрлаш ва уларга нисбатан очиқ кўнгиллилик таҳсинга сазовор, лекин булар душманга тааллуқли бўлса, улар зарарлидир. Ҳушёрлик ҳам таҳсинга сазовор, аммо у ҳаддан ошиб кетса, кўрқув ва ўзини тийишга айланиб, зарарли бўлиб қолади.

Аллома инсон ўз мақсадига эришиб ҳурматга сазовор бўлса-ю, аммо мақсадга эгрилик билан эришса, бу ҳам зарарли ҳисобланади деб тушунтиради. Энг яхшиси мақсадга чиройли ва покиза йўл билан эришишдир. Яхши фазилатларга эришмоқчи бўлган одам яхши хислатларга қарши турган ўзидаги иллатларни йўқ қилишга интилиши шарт. Чунки фазилатларга эришиш қийин. Одам фақат иллатлардан фориғ бўлгандан сўнггина яхши фазилатларга эриша олади. Афлотун инсон табиий хислатларга эга, булар ундаги хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларга сабаб бўлади, деб тушунтиради. Соҳиби қонун бу хислатларни назарда тутиши, уларни тузатиши, шу хислатларни тузатувчи қонунлар чиқариши керак, чунки бу билан соҳиби қонун фуқаронинг хулқ-атворини ҳам тузатади.

Чинакам қонун ўрнатувчи янги қонун қабул қилаётганида унинг мамлакатдаги барча табақалар ва авлодларга, барча вилоятларнинг аҳолисига бахт-саодат, шод-хуррамлик келтиришини ҳисобга олади. Соҳиби қонуннинг ҳар бир гуруҳ одамларга мурожаати тушунарли бўлиши зарур. Бунинг учун қонун чиқарувчи одамларнинг идрок этиш имкониятларини ҳисобга олиши керак, токи одамлар уни тушунсинлар. Афлотун яхшилик, саодат нималигини тушунтиради, бу қонун шаҳодат беришича, амал қилиниши зарур, афзал кўрилиши керак бўлган оқилликдир ва унга ҳамиша интилиб туриш керак. Тарбия оқилликни вужудга келтиради. Кишининг тарбияси



бўлмаса, у бемаъниликни хуш кўради. Қонун фаровонлик йўлидир, шундай экан, соҳиби қонун тарбияни мустаҳкамлашга алоҳида ҳаракат қилиши зарур.

Афлотун меҳр-шафқатлилик ва ахлоқ тушунчалари ҳақида гапириб, соҳиби қонун инсон табиатидаги бу хислатларни алоҳида инобатга олиши зарурлигини ва шу хислатларни таъсир кучига қараб иш юритиш жоизлигини эслатиб ўтади. Агар шаҳар ўз қонунчилигида ҳақиқий муҳаббат, юксак ахлоқ, баркамол ақлга эга бўлмаса, унинг қисмати ҳалокат ва парокандалик бўлади, дейди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, буюк боболаримиз жаҳон ҳуқуқий маданияти тараққиётига ҳам бекиёс ҳисса қўшган. Буни бугунги кунда ривожланган демократик ҳуқуқий давлатларнинг тадқиқотчилари ҳам эътироф этишмоқда. Бунинг сабаби, буюк фикршунос олимларимиз ҳар қандай мураккаб ҳуқуқий муаммоларнинг ечимини топиб бериш салоҳиятига эга бўлган. Фикр илмига, жаҳон ҳуқуқий маданияти ривожланишига улкан ҳисса қўшган мана шундай буюк ватандошларимиздан бири Бурҳониддин Марғиновичдир.

Машҳур олим ўз даврида одамлар орасида мавжуд бўлган айрим муаммоларнинг ечими бўйича шариат қоидаларини асос қилган ҳолда кўплаб тўғри хулосалар берган. Натижада бир-бирига қарама-қарши турли назарияларга барҳам берилиб, илмий ечим топилган.

Бурҳониддин Марғиновичнинг ислом ҳуқуқи бўйича дунёга машҳур ноёб асари “Ҳидоя”дир. Бугунги кунгача бутун ислом олами севиб ўқийдиган ва доимий мурожаат қилиб турадиган ушбу асар 1178 йилда Самарқандда ёзилган. Ушбу бебаҳо асарнинг ўзига хос жиҳатлари ва аҳамияти қуйидагиларда яққол намоён бўлади.

Биринчидан, мазкур асар билан фикр илми назарияси бойиди.

Иккинчидан, аллома фикр амалиётига катта ҳисса қўшди. Яъни, унинг “Ҳидоя” асари мусулмон ҳуқуқшунослари — қозиларнинг ҳукм чиқаришида кундалик дастур вазифасини ўтаган.

Шунингдек, яна бир машҳур ватандошимиз Имом Абу Исо ат-Термизийнинг “Сунани Термизий” ва “Саҳиҳи Термизий” каби асарларида қозилик ахлоқи юзасидан қуйидаги қарашлари баён этилган.

Ҳеч ким қозиликни талаб қилмайди, балки ўз адолатига ишончи комил бўлган унга киради. Қозиликни қабул қилган одам ўзидан олдинги қозининг девонини сўрайди. Девон қадимдан қозилик учун асосий иш қуроли бўлиб келган. Чунки, унда қозиликка ва унинг фаолиятига оид барча маълумотлар жамланган бўлади. Одамлар орасида чиқарилган ҳукмлар, мажлисларнинг баённомалари, васиятлар, вақф мулки васиқалари, белгиланган нафақалар ва бошқа барча бўлиб ўтган нарсаларнинг ёзма баёноти бўлади. Янги қози иш давомида ўша ҳужжатларга муҳтож бўлади. Шунинг учун, ўзи ишонган иккита адолатли кишини тайин қилиб, уларга эски қозидан барча ҳужжатларни қабул қилиб олишни топширади. Янги қози ҳали ҳукми чиқмаган маҳбуснинг иши юзасидан ўзидан олдинги қозининг гапи бўйича ҳукм чиқармайди. Чунки, эски қози ҳам бу масалада оддий фуқарога айланган бўлади ва бир кишининг гувоҳлиги билан ҳукм чиқариши мумкин эмас. Бу ерда далил ва ҳужжатгагина ишониб амал қилинади. Қози очиқ қабулни жомеъ масжидида ўтказгани яхшидир. Қадимги вақтларда одамлар ўз ишларини осон битиришлари учун, қозини излаб овора бўлмасликлари учун шундай қилинган. Қози аҳли илми ва адолатлиларни ўзига яқин ўтиргизади. Ҳайбатли бўлиши учун яқинига хизматкорлари ва уларга ўхшаган обрўсиз шахсларни ўтиргизмайди. Қози қалби бир нарса билан машғул бўлиб турганда, аччиғи чиқиб, ўта хурсанд ёки хафа чоғида, оч ёки чанқаган пайтида, бирор аъзоси оғриб турганда қозилик қилмайди. Қози ўзига ишончли, адолатли, солиҳ ва тақводор таржимон ва котиб ҳам олади.

Қози ҳадяни қабул қилмайди. Агар хусуматли иши бўлмаган ўзининг маҳраמידан ва қози бўлишидан олдин ҳадя беришга одатланган одамдан аввалги миқдордаги ҳадяни олса лозимдир.

Ушбу рухсатдан ташқари ҳолда қози олган ҳадя пора, деб эълон қилинади. Пора шаръий ис-

тилоҳда адолатни йўққа чиқариш ва ботилни юзага чиқариш учун бериладиган нарсага ишлатилади. Қози оммавий даъватлардан бошқа даъватга бормайди, агар даъват эгасининг қозихоналик иши бўлса, қози оммавий даъватга ҳам бориши мумкин эмас. Шунингдек, қози тарафлар орасида ўтириш ва қарашни баробар қилади. Улардан бири билан пичирлашиб гаплашмайди, меҳмон қилмайди, кулишмайди, ҳазиллашмайди, унга ишора қилмайди ва ҳужжатни айтиб бермайди. Умар ибн Ҳаттоб Абу Мусо Ашъарийга ёзган мактубида шундай дейилган; “Икки томон орасида юзингни, мажлисингни ва адолатингни бир хил қил. Токи шарафли сенинг жаврингга таъма қилмасин ва заиф сенинг адолатингдан ноумид бўлмасин”. Қозилик ишларининг мана шундай адолат асосига қурилганига ислом оламида жуда мисоллар кўп. Қози икки томонга ҳам бир хилда адолатли бўлиши керак.

Қози ҳақ эгасининг талаби ила, қарздор иқрор бўла туриб, адо қилишдан бош тортганда ёки кафолат ва мол бадалига ўхшаш ақд асосида лозим бўлган ҳақ ҳужжат билан собит бўлганда, аҳли аёлининг ёки боласининг нафақасидан қочганда ва бошқа ҳолатларда ўзи лозим топган муддатга айбдорни ҳибсга олиши мумкин. Боласидан қарздор ота ҳибсга олинмайди.

Зиммасида молиявий мажбурияти бор айбдор ўзининг камбағаллигини даъво қилса, қози уни ҳибсга олишга ҳақли эмас. Балки айбдорнинг кўшниларида ва ҳамбикасбларидан сўраб-суриштиради. Агар икки киши унинг бойлигига гувоҳлик берса, қози уни ўз зиммасидаги молиявий мажбуриятини бажаришдан бош тортгани учун ҳибсга олади.

Қачон кишилар ҳозир бўлган хусуматчининг зиддига гувоҳлик берсалар, қози ҳукм чиқаради ва уни ёзади. Фойиб ҳақида ҳукм чиқармайди. Чунки ўзи йўқ одам ҳақида ҳукм чиқариш мумкин эмас. Қози ўзининг ўрнига қози қўймайди ва вакил ўзининг ўрнига вакил қўймайди. Агар кимга буни қилиш ҳаққи берилган бўлса, қўяди. Қози қозилик қилиши учун ишга қўйилган, қози тайинлаш учун эмас.

Абу Али ибн Сино тўғри сўзлаш ва ишлашни, ҳалол меҳнат қилишни, ҳаммага инсоф, адолат билан муомала қилишни, нафсга берилмаслиқни, олим-фозиллар билан суҳбатлашишни, катталарнинг иззат-ҳурматларини бажо келтиришни, чин дўстликни муҳтожларга эҳсон этишни унутмаслиқни ҳамма эзгуликларнинг манбаи ҳақиқий инсонийлик белгисидир, деган эди.

Соҳибқирон Амир Темури ўз “Тузуқ”ларида давлат ва жамиятни, унинг аъзолари бўлган турли ижтимоий гуруҳлар, табақаларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берган. “Тўра-тузуқ” подшоҳ, ҳукмдорларнинг сиёсий фаолиятига доир таржимаи ҳоли, сиёсий фаолиятлари, уларнинг давлатни бошқаришда амалда қўлланилган қонун-қоидалари, халқ ва жамият олдидagi ҳуқуқла-



ри, ахлоқ-одоби, давлатни адолат тамойилига асосан бошқариши, турли мансаб эгаларига берилган ҳуқуқлар, уларнинг бурчлари, ҳуқуқ ва бурчларнинг қонун доирасида белгилаб қўйилганлиги, халқ билан муомала муносабатлари, хайр-саховатга доир эзгу ишлари ва бошқалардан иборат олий ҳуқуқий ҳужжатдир. “Темур тузуклари” даврнинг барча ижтимоий жиҳатларини ўзида тўлақонли ифодалаши, халқпарварлиги, салтанат бошқарувининг адолатли тарзда йўлга қўйилиши боис бутун дунёга тимсол бўлган. Амир Темур қонунлари аввало салтанат ҳудудидаги барча фуқароларнинг тинчлигини, мамлакат хавфсизлигини ишончли тарзда таъминлади. Соҳибқироннинг одилона сиёсати ва қонунларнинг барча соҳаларда адолатли амалга оширилиши туфайли мамлакат қисқа вақт ичида жаҳоннинг барча соҳаларида энг қудратли давлатга айланди. Жаҳоннинг етук олимларидан саналган Жон Локк адолатли қонунлар чиқариш ва уни ижросини таъминлашда Амир Темур жаҳон ҳукмдорларига андоза бўладиган мавқени эгалаганини, унинг ушбу илмий баҳосидан ҳам кўришимиз мумкин. “Амир Темур чиқарган қонунлар, аввало барча табақалар тинчлиги, фаровонлиги, энг муҳими ҳар бир инсоннинг ташаббус ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши билан аҳамиятли эди”.

Соҳибқирон ўз тузукларида: Султон ҳар нарсада адолатпарвар бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар тутсин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Бутун мамлакатда буйруқ ва тақиқлашлар подшоҳнинг ихтиёрида бўлиши керак. У ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

Подшоҳ ўз қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилар экан то уни битирмагунча ундан қўл тортмасин. Салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Лекин амал қилишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунча шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин, деб таъкидлайди.

Ҳазрат Навоийнинг “Насойим-ул-муҳаббат” асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг хислат ва фазилатлари батафсил санаб ўтилган. Бу хусусиятлар ҳалол луқма билан қаноатланиш, шариат қоидаларига риоя қилиш, мулоим сўзлашиш, сахий, садоқатли ва вафодор бўлишдан иборат.

Бундан ташқари, мазкур асарда ахлоқли инсон барча одамларнинг яхшисидир, барча халқлар учун ёқимлидир. У кишилар орасида гўзалроғи ва ҳурматлироғидир. Одобли одам тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойиқ, ҳеч қандай совға бермай ҳаммани шод қилади, ҳеч нимани ҳадя қилмай кишилар ғамини аритади. Одоб ёшларни улуғлар дуосига сазовор қилади, ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган ахлоқ бу одобдир, одоблиларнинг



юриш-туришида халқ улуғворлик кўради. Ахлоқ кишилар қилиши мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини ёпади, инсонларни ҳазил-мазахдан камситилишдан сақлайди. Ахлоқ одам табиатига инсонийлик бахш этади ва киши мижозига одамийлик манзилида ором беради. Ахлоқ ва одоб меҳр-муҳаббатнинг зеб-зийнатидир. Ахлоқ эгаларига ҳамма таъзим қилади ва ҳурмат билдиради. Одоб уруғини эккан кишининг ҳосили жавоҳир бўлади. Одобли ва ахлоқли одамлар кўпаяверса, халқнинг дўстлиги ва инсонларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати борган сари кучаяди. Агар киши одоб-ахлоқ каби яхши хулққа эга бўлса, унинг ўзи ҳам халқнинг иззат-ҳурматида сазовор бўлади. Одобда унинг муайян шартларига амал қилмоқ муҳимдир. Ҳар кишига муомала қилинганида, унинг ёши, обрў-эътибори, қандайлиги ҳисобга олиниши керак. Бошқаларнинг обрўи сенга нисбатан пастроқ бўлса ҳам, баланд бўлса ҳам, уларга яхши муомала қилиш зарур. Бирон киши мартабада сендан паст бўлиб, сенинг ҳукминг остида бўлса ҳам, унинг сўзи, шикоятлари сенга хуш келмаётган бўлса ҳам яхши муомалада бўлиш, унга сўз одоби ҳақида ўғит беришдан сақланиш керак. Бундай одамларга ҳамиша яхшилик қилиш, айтиш чоғда уларнинг аҳволларидан хабардор бўлиш зарур.

Ахлоқнинг энг муҳим шартларидан бири ота-она ҳурматини бажо келтиришдир. Инсон одоб-ахлоқи билан қадрлидир, одоб одамнинг олижаноб фазилатларидан биридир. Ахлоқли киши очик юзли, хушмуомала ва ёқимли бўлади. Бундай кишиларга иккиюзламачилик, дағаллик ётдир. Инсонни безайдиган унинг одоби ва ахлоқидир. Ахлоқли, эътиқодли қалб эгаси бўлган инсон умри давомида ҳалоллик, поклик, чин инсонийлик эзгу ниятлари билан яшайди. Муваффақиятнинг, баркамолликнинг яна бир муҳим шarti кундан-кунга маънавиятни юксалтириб бориш, эзгу амалларни кўпайтириб бориш деб таъкидлайди.



Исматулла
МАМАНОВ,

Тошкент вилоят
Маъмурий суди
судьяси.

МУСТАҚИЛ СУД – АДОЛАТНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим қилган Мурожаатномасида давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳалари батафсил таҳлил этилиб, нафақат жорий йил, балки келгуси 5 йилга мўлжалланган истиқболли режалар белгилаб берилди.

Айниқса, судья сифатида алоҳида эътиборимни тортган жиҳати шу бўлдики, мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ўзига хос янгилик сифатида дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган мазкур дастуриламал ҳужжатда суд мустақиллигини таъминлаш – энг муҳим вазифалардан бири эканлиги яна бир марта таъкидланди.

Президентимиз уч йилдан буён барча даражадаги олий давлат идоралари мансабдор шахслари ва кенг жамоатчилик олдига бундай долзарб ва ўта муҳим вазифаларни ошкора қўяётгани бежиз эмас. Чунки, Конституция билан мустаҳкамлаб қўйилган суднинг мустақиллиги ўтган 25 йил давомида амалда таъминланмади.

Асосий қонунда белгиланган нормалар ижросини ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинган ишларнинг натижаси ўлароқ баландпарвоз маъруза-ю, чиқарилган ижросиз қарорлардан нарига ўтилмади. Қолаверса, ўша даврда судларга мустақиллик бериш борасида қабул қилинган ҳар бир фармон ва қарорнинг матбуотда эълон қилиниши билан судьяларга нисбатан тўхмат уюштириш ва тазйиқлар ўтказиш кампанияси авжига чиқарилган. Айрим судьялар нишонга олиниб, таҳлика ва қўрқув исканжасига солинган. Ҳокимият ва бошқарув тизимидаги бундай салбий ҳолатлардан хабардор бўлган Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда: **“Суд бирон бир мансабдор шахснинг қўли этадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим”**, деган талабни қатъий қўйди.

“Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади”, – дейди доно халқимиз. Шул боис, қанчалар аччиқ бўлмасин, бугун тан олишимиз ва

ҳақиқатни рўй-рост айтишимиз керак: асримизнинг икки минг бешинчи йилларида судьянинг ишига аралашиш ва хонасига ижозатсиз кириб, босим ўтказиш сингари салбий ҳолатлар авжига чиққан. Собиқ миллий хавфсизлик хизмати аталмиш органнинг айрим мутасаддилари кўплаб айбсиз шахсларга дастлабки қамоқ эҳтиёт чорасини мажбуран қўллаиб, жисмоний ва руҳий тазйиқлар остида қамоқхонада айбига иқдорлик кўрсатмаларини олишга муваффақ бўлиб, уларни судьянинг қўли билан озодликдан маҳрум қилиш жазоларини қўллашгача эришган.

Вазият шундай ҳолатга бориб етгандики, судья судланувчини қанча муддатга озодликдан маҳрум қилиши мумкинлигини сўраб, МҲХнинг ҳудуд бўйича кураторига маълумот-жадвал тузиб юборган ва унинг расман розилиги олингандан кейингина ҳукм чиқарган. Энг ачинарлиси, “розиман” деган бир оғиз сўзни судья баъзан 5-6 ойлаб маслаҳатхонадан чиқолмасдан “қўл-оёғи ипсиз боғланган ҳолда” кутишга мажбур бўлган. Судланувчининг яқин қариндошлари ҳукмни эълон қилиш пайсалга солинаётганлигидан норози бўлаётганлигини маълум қилиб “бош кўтарган” судьяга шафқат қилинмаган: зимдан унинг устидан “қораловчи” маълумотлар тўпланган; таъқиб остига олинган; кейинги судьялик муддатига ўтказилмаган; аризаси олиниб, унга “тўғри йўлни” кўрсатиб юборишган.

Шу тариқа, кўплаб покиза, ҳалол ва касбига фидойи судьялар адолатсизлик “қурбони”га айланишган. Бундан кенг жамоатчилик, айниқса судьялар яхши хабардор. Буларнинг барчаси, шўқри яқин тарихимизнинг қора доғлари сифатида ўтмишда қолди.

Бугун жамиятда адолат ва мустақил суд ҳокимияти қарор топмоқда. Энди шундай маънавий-ҳуқуқий ва ғоявий-руҳий муҳит яратиш зарурки, бунда судьянинг мустақиллиги ва обрўйига қилинган ҳар қандай тажовуз ва ҳурматсизлик, уни ким томонидан содир этилиши-

дан қатъи назар жиноят сифатида баҳоланиши керак. Бунга барча поғонадаги мансабдор шахсларга тарбиявий таъсир этиш орқалигина эришилади.

Мурожаатномадан иқтибос: **“Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади.**

Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак”.

Президентнинг бундай ғамхўрлиги-ю, қўллаб-қувватлашларига жавобан ҳар бир судья соҳанинг нуфузи ва обрўйини оширишга жонини фидо этиб хизмат қилиши зарур. Афсуски, бу борада ўзимиз ҳам халқимиз рози бўладиган даражада хизмат бурчимизни уддалай олмаёпмиз. Очигини айтиш керак, айрим ҳамкасбларимизнинг зиммасидаги вазифаларга масъулиятсизлик билан ёндашишини, баъзан эса, хизматда ва хизматдан ташқари вақтда қонунда белгиланган касбий чекловлар доирасидан четга чиқиб, суд ва судьянинг обрўсига путур етказишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Шунингдек, судьяга илтимос ва қўнғироқлар қилиш, унинг ишига аралашиб сингари уринишлар ҳали-ҳануз давом этмоқда. “Суд обрўсига путур етади, ошкор қилма”, деб пинҳон тута-тута бугунги кунгача етиб келдик. Бундай коррупция иллатларига нисбатан мурасасиз бўлиш учун айрим судьяларда қатъиятчилик ва жасорат етишмаяпти. Боз устига, бепарволик ва қўнғилчанлик оқибатида баъзан ўзлари ҳам бу жараёнга хайрихоҳ ёки коррупциянинг иштирокчисига айланиб қолишмоқда.

Биргина мисол: 2019 йилда 166 нафар судьяга нисбатан интизомий жазо қўлланилган, 43 нафар судья муддатидан илгари лавозимидан озод этилган, шу жумладан 4 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилган.

Бундан хулоса шуки, суд тизимида тозалаш ўтказиб (бу иборадан чўчимаслик даркор), судьяларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, фақат муносибларини соҳада олиб қолиш зарурияти аллақачон етилган.

Дарвоқе, Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, **коррупция аталмиш нафс балоси ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда.** Бу ёвуз балонинг айниқса суд тизимида тезроқ олди олинмаса, жамият ҳеч қачон ривожланмайди, халқнинг косаси эса ҳеч қачон оқармайди.

Суд фахрийси сифатида айнан шу муаммо мени доимо қийнаб келади. Бу ҳақда ҳамкасбларга, айниқса ёш судьяларга мавриди келди дегунча кўп гапираман.



Чунки, судья фазлу камолининг ўлчови – нафснинг мезони билан белгиланади. Шу сабабли бугунги кун судьяси ҳалол, покиза, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахс бўлмоғи, Президент таъбири билан айтганда, **“Ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмоғи даркор.**

Ҳалоллик вакцинаси аталувчи эм дорини биз – судьялар Амир Темур, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Райҳон Беруний, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо ва бошқа юзлаб инсоният оламига маълум ва машҳур бўлган азиз авлиёларимиз, буюк олиму уламоларимизнинг қолдирган бой тарихий меросидан, уларнинг ибратли ҳаёт ҳақиқатидан олмоғимиз даркор.

“Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сувлабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман”, деган экан Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари. Мана сизга, нафс балосидек ўта юқумли касалликни олдини олиш ва уни барвақт даволаш учун ишлатиладиган эм дориси.

Маълумки, ўтмишда адолатли қозилар, судьялар кўп бўлган ва халқимиз уларнинг исмига “ОДИЛ” сўзини кўшиб айтишган. Мен суд тизими фахрийси сифатида Президентимиз ва бутун халқимиз томонидан Ўзбекистоннинг барча судьялари исмига “ОДИЛ” сўзини фахр билан кўшиб айтадиган кунлар келишини жуда-жуда истайман.

Мухтасар айтганда, судьяси мустақил ва одил бўлган давлат юксалиб, улуғ мақсадларга эришади, халқ фаровон яшаб, қонунга ва уни қўллайдиган судьяга нисбатан ишончи ортади.

Буни асло унутмайлик ва Мурожаатномада таъкидланганидек, **қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлайлик!**



Тўхтамиш АЗИЗОВ,
сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

ФАВҚУЛОДДА ЭКОЛОГИК ҲОДИСАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

АННОТАЦИЯ

Мақолада фавқулодда экологик ҳодисалар билан боғлиқ муносабатларни сиёсий-ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Жумладан, ҳозирги пайтда вужудга келган атроф-муҳитдаги ноҳуш ўзгаришларни бартараф этиш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасидаги тенденциялар ёритилган.

Калит сўзлар: экологик хавфсизлик, фавқулодда ҳодисалар, зарар кўрган ҳудудлар, Орол бўйи фожиаси, экологик ноқулай ҳудудлар.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются актуальные вопросы политико-правового регулирования отношений при чрезвычайных экологических ситуациях. В частности, рассмотрены тенденции искоренение неблагоприятных изменений окружающей среды на уровне государственной политики Узбекистана.

Ключевые слова: экологическая безопасность, чрезвычайная ситуация, пострадавшие территории, Аральская трагедия, экологически неблагоприятные территории.

ANNOTATION

The article analyzes topical issues of political and legal regulation of relations with emergency environmental events. In particular, the current trends in the level of public policy in Uzbekistan address the current environmental changes.

Keywords: environmental safety, emergency, affected areas, Aral tragedy, ecologically unfavorable areas.

XXI аср боши цивилизация тараққиётидаги икита муҳим деструктив тенденция: халқаро хавфсизлик таҳдиди ва атроф табиий муҳитнинг деградацияси билан характерланмоқда. Таҳлиллар мазкур жараёнларнинг суръат ва миқёси асосан давлат даражасидаги сиёсий ёндашувлар тизими билан аниқланадини исботламоқда.

Ҳозирги замон экологик муаммоларнинг замирида инсон билан атроф табиий муҳит ўзаро муносабатлари борасидаги табиат бойликларидан нотўғри фойдаланиш ва табиатга салбий таъсир кўрсатиш оқибатида вужудга келган атроф-муҳитдаги ноҳуш ўзгаришлар ётади. Инсон “табиатдан фойдаланиш” ҳуқуқига табиий ҳуқуқ асосида эга бўлди. Айни ҳуқуқ унга табиатга салбий таъсир этишда намоён бўлаётир. Бундай таъсир ундаги табиий жараёнларни издан чиқиб, экологик инқирозни кучайтиришга олиб келмоқда. Шу йўсинда табиат бойликларининг тобора камайиб (йўқолиб) кетишига сабаб бўлаётганлигига бугунги кунда ўнлаб мисоллар келтирса бўлади. Аммо фавқулодда экологик вазиятлар туфайли вужудга келаётган экологик муаммоларнинг тавсифлари оддий экологик муаммолардан фарқ қилади. Чунки, уларнинг аксарияти инсон ва атроф-муҳит ўзаро алоқадорлигининг натижаси эмас, балки табиатнинг ўзида бўладиган стихияли табиий фавқулодда ҳодисаларнинг оқибатидир. Масалан, вулқон отилиши натижасида ер (ўрмон) участкаларининг яроқсизланиши, ер ости газлари таъсирида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси вакиллариининг қирғин бўлиши ва ҳ.к. Аммо фавқулодда экологик вазиятларда вужудга келадиган экологик оқибатлар атроф табиатга салбий таъсир сифатида экология фанида тан олинмайди.

Фавқулодда ҳодисалар ва экологик ноқулай ҳудудлар билан боғлиқ муносабатларни сиёсий-ҳуқуқий тартибга солиш зарурати ўтган асрнинг 1980 йиллари охирида вужудга келди. Бу даврда жамият мисли кўрилмаган табиий офатлар, техноген фалокат ва ҳалокатларга дуч кела бошлади. Иқлим исиб кетиши билан боғлиқ табиий тангликлар ҳам тобора кенгайиб, офатлар келтириб чиқармоқда. Амалдаги қонунчилик амалиёти

ва назариясининг эса кўзда тутилмаган бундай ҳодисаларга тайёр эмаслиги билиниб қолган эди.

“Зарар кўрган ҳудудлар” феномени ҳамда улардаги режимни ҳуқуқий бошқариш 1986 йил 26 апрелда содир бўлган Чернобил фожиаси натижасида пайдо бўлган. Профессор О.Л.Дубовикнинг фикрича, юқорида қайд қилинган йирик экологик фалокатлар кейинчалик табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг ривожига туртки бўлди.

Ўша вақтда давлат экологик сиёсати соҳасида муҳим қарорлар қабул қилинди, экологик ҳуқуқ ва қонунчилик, табиий ва техноген инқироз ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа чораларни зудлик билан қўллаш зарурлигини англашга нисбатан замонавий ёндашув шаклланди. Д.М.Демичевнинг таъкидлашича, ҳалокатга қадар иттифоқ республикалари қонунчилигида техноген ва табиий ҳалокатлар шароитида муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлмаган.

Фавқулодда экологик вазиятлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичи 1980 йилларнинг охири ва 1990 йилларнинг бошига тўғри келади. “Фавқулодда вазият” тушунчаси илк бор “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”¹ги РСФСРнинг Қонуни орқали киритилган (1991 йил 19 декабрь), “фавқулодда экологик вазият” тушунчаси эса Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”²ги Қонунда мустаҳкамланган.

Таъкидлаш керакки, «экологик фавқулодда вазият» атроф-муҳит хавфсизлиги масаласига оид бўлиб, одатдаги атроф-муҳит муҳофазаси фаолиятдан фарқ қилади. Биринчи фарқ «Фавқулодда вазиятлар тўғрисида»ги қонунга биноан бу воқеа кутилмаганда содир бўлишида, иккинчиси эса юзага келган қийинчиликлар оқибатида одамлар соғлиғи ва ҳаётига хавф солишидадир. Бошқача айтганда, фавқулодда ўта хавфли вазиятларда, экологик хавфсизлик омиллари, биринчи навбатда, атроф-муҳитга, кейин эса аҳолига етказилган зарар даражасига қараб белгиланади.

Фавқулодда вазиятларда қонундан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, «фавқулодда вазият қонунчилиги» асосларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Бу борада экологик фавқулодда ҳолатларда зарар кўрган одамларни қутқариш, одамларнинг соғлиғини ҳимоялаш, уларни хавфсиз жойга кўчириш, эпидемия ёки касалликларни тарқатмаслик учун муайян чекловларни ва бошқа фавқулодда чораларни қўллаш каби тадбирларни амалга ошириш зарур. Фавқулодда вазиятларда чора-тадбирлар ўта тезкорлик билан амалга оширилиши муҳим. Лозим бўлган хатти-ҳаракатларнинг тезлигида инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолиш устувордир. Шу сабаб-

ли инсоннинг айрим ҳуқуқлари, масалан, айрим табиат объектларидан (сув, ўсимликлар дунёси) фойдаланиш ҳуқуқи чекланиши ёки тўхтатилиши мумкин.

Экологик таҳдид ва унинг оқибатларини бартараф этишда бир қатор қоидаларга амал қилиниши зарур. Уларнинг сирасига одамларнинг саломатлигини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва ҳимоялаш, зарар етказилган ҳудудларнинг сифатини тиклаш ва соғломлаштириш, уларда соғлом ижтимоий ва экологик муҳитни сақлаб қолиш кабилар киради.

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида, транспорт магистрал йўллари бўйлаб алоҳида ҳуқуқий тартиб ўрнатадилар”.

Экологик хавфли ҳодиса натижасида фуқаролар мулкига етказилган зарарни қоплаш ёки ундириш масаласини ҳал этишда, энг аввало, зиён айнан ҳуқуқбузарлик натижасида етганлиги аниқланади. Табиий офатлар (зилзила, чакмоқ, жала, сув тошқини) натижасида фуқаролар мулкига етган зарар экологик хавфли ҳодиса натижасида етказилган зарардан фарқ қилади. Табиий офатлар натижасида фуқаролар мулкига етган зарар асосан маъмурият томонидан қопланади. Агар фуқароларнинг мулки суғурталанган бўлса, тегишли суғурта компанияси зарарни қоплайди. Суғурта компаниясининг фаолиятдан норози фуқаролар ўз навбатида судга мурожаат қилишлари мумкин.

Судлар ўз фаолиятларида фавқулодда экологик хавф оқибатида зарарни ундириш ишларини кўраётганда Олий Суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 36-сонли “Атроф-муҳит муҳофазаси ва





